

**Абдусаломова М.Н.**

**«ФИЗИКА» фанидан**

**ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Самарқанд – 2011**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**«ФИЗИКА» фанидан**

**ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Самарқанд – 2011**

Абдусаломова М.Н. «Физика» фанидан таълим технологияси. Услубий қўлланма. Самарқанд, СамИСИ, 2011, 221-бет

Услубий қўлланмада «Физика» фанини ўқитиши бўйича таълим технологияси, уларни қўллаш бўйича услубий тавсиялар баён этилган. Ушбу тавсиялар дидактик тамойиллар, маъруза ва амалий машғулотлари технологияларини ишлаб чиқиш усул ва воситалари, уларнинг муҳим белгилардан иборат таълимни технологиялаш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилган.

Услубий қўлланма олий ўқув юртларининг сервис йўналиш мутахассисликлари талабалари учун мўлжалланган.

### **Тақризчилар:**

Эшқобилов Н. - ф.-м.ф.д., профессор  
Эшқувватов Б.Т. - т.ф.д., профессор

# **МУНДАРИЖА**

<b>Кириш.....</b>	<b>6</b>
<b>«Физика» ўқув фани бўйича таълим технологиясининг</b>	
<b>концептуал асослари.....</b>	<b>7</b>
<b>Маъруза ва амалий машғулотларида ўқитиш технологиялари.....</b>	<b>25</b>
1.Мавзу: Механик ҳаракатнинг кинематик ва динамик тавсифи.....	26
1.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	26
2.Мавзу: Механик иш. Қувват. Энергия.....	37
2.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	37
2.2. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси .....	44
3.Мавзу: Қаттиқ жисм механикаси.....	47
3.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	47
3.2. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси .....	53
4.Мавзу: Механик тебранишлар.....	57
4.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	57
5.Мавзу: Механик тўлқинлар. Товуш тўлқинлари.....	64
5.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	64
5.2. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси .....	69
6.Мавзу: Газлар молекуляр-кинетик назариясининг асослари.....	72
6.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	72
6.2. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси .....	78
7.Мавзу: Термодинамика асослари.....	81
7.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	81
8.Мавзу: Суюқликлар. Қаттиқ жисмлар .....	88
8.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	88
8.2. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси .....	94
9.Мавзу: Электр майдон вакуумда. Электр майдонида диэлектриклар.	98
9.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	98
10.Мавзу: Электр майдонида ўтказгичлар.....	103
10.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	103
10.2. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси .....	107
11.Мавзу: Ўзгармас электр токи.....	110
11.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	110
11.2. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси .....	114
12.Мавзу: Ўтказгичлар, диэлектриклар, ярим ўтказгичлар.....	118
12.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	118
13.Мавзу: Металларнинг классик назарияси. Вакуумда электр	
токи. Термоэлектрик ҳодисалар .....	125
13.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	125
14.Мавзу: Электромагнетизм. Моддалардаги магнит майдони .....	131
14.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	131
15.Мавзу: Электромагнит индукция.....	139
15.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	139
15.2. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси .....	145

16.Мавзу:	Электромагнит майдони. Максвелл тенгламалари.....	150
16.1.	Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	150
17.мавзу:	Ўзгарувчан электр токи.....	155
17.1.	Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	155
17.2.	Амалий машғулотни ўқитиш технологияси .....	162
18.Мавзу:	Квант физикаси. Квант-оптикавий ҳодисанинг асослари .....	166
18.1.	Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	166
18.2.	Амалий машғулотни ўқитиш технологияси .....	174
19.Мавзу:	Квант физикаси. Квант оптикавий ҳодисанинг асослари .....	178
19.1.	Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	178
19.2.	Амалий машғулотни ўқитиш технологияси .....	183
20.Мавзу:	Микрозаррачаларнинг тўлқин хусусиятлари. Атомнинг энергетик сатҳларининг дискретлиги.....	187
20.1.	Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси .....	187
1-лаборатория иши.	Умумий физика курсидан практикум ўтказишдан мақсад ва вазифалар.....	193
1.1.	Лаборатория машғулотни ўқитиш технологияси.....	193
2-лаборатория иши.	Трифиляр осма ёрдамида қаттиқ жисмларни инерция моментини аниқлаш.....	198
2.1.	Лаборатория машғулотни ўқитиш технологияси.....	198
3-лаборатория иши.	Математик маятник ёрдамида эркин тушиш тезланишини аниқлаш.....	201
3.1.	Лаборатория машғулотни ўқитиш технологияси.....	201
4-лаборатория иши.	Суюқликнинг сирт таранглик коэффициентини томчи узилиш усули ёрдамида аниқлаш.....	206
4.1.	Лаборатория машғулотни ўқитиш технологияси.....	206
5-лаборатория иши.	Термоэлементни даражалаш ва унинг термоэлектр юритувчи қучини аниқлаш.....	210
5.1.	Лаборатория машғулотни ўқитиш технологияси.....	210
6-лаборатория иши.	Бир фазали трансформатор ишини ўрганиш.....	216
6.1.	Лаборатория машғулотни ўқитиш технологияси.....	216
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>221</b>

## **Кириш**

«Физика» фанидн таълим технологияси услубий қўлланмасида баён этилган дарс машғулотларида янги технологияларни қўллаш асосида ишлаб чиқилган.

Талабаларга билим беришда замонавий таълим технологияларининг аҳамияти муҳимdir.

Қўлланмада келтирилган таълим технологияларининг ҳар бири ўзида ўкув машғулотини ўтказиш шарт-шароити тўғрисида ахборот материалларини, педагогик мақсад, вазифа ва кўзланган натижаларни, ўкув машғулотнинг режаси, ўқитишининг усул ва воситаларини мужассамлаштирган.

Қўлланма таркиби кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари, мавзу бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларида ўқитишик технологиясидан иборат. Маълумотлар умумлаштирилган ва тартиба солинган. Уларни ўзлаштириш ва ёдда сақлаб қолишни қучайтириш учун жадвал ва чизмалардан фойдаланилган.

Қўлланманинг концептуал асослари қисмида «Физика» фанининг долзарблиги ва аҳамияти, мазкур ўкув фанининг таркибий тузилиши, ўқитишининг усул ва воситаларини танлашда таянилган концептуал фикрлар, коммуникациялар, ахборотлар берилиб, сўнгра лойиҳалаштирилган ўқитишик технологиялари тақдим қилинган.

1. Кўйидаги турдаги маъруза машғулотлари кириш маъруза, мавзуу асосида маъруза, муаммоли маъруза, визуаллаштирилган маъруза, якунловчи маъруза, шархловчи маъруза берилган.

2. Амалий, лаборатория машғулотларни олиб боришининг топшириқларни индивидуал тарзда, гурухда бажарилиши вазиятли ишланма ҳар хил усуллар, назария асосида билимлар ва кўникмаларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга йўналтирилган амалий топшириқлар берилган.

Хозирги кунда жаҳон тажрибасидан кўриниб турибдики, таълим жараёнига ўқитишининг янги, замонавий усул ва воситалари кириб келмоқда ва самарали фойдаланилмоқда. Таълим технологиясини ишлаб чиқиш асосида айнан шу талаблар ётади.

**«ФИЗИКА»**  
**ЎҚУВ ФАНИДАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНинг**  
**КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

## **1. «Физика» ўқув фанининг долзарблиги ва ўқитиши структураси**

Замонавий кадрлар олдига қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири – малакали мутахассислар сифатида ўзлигини, ўз қобилиятлари, индивидуаллиги, шахсий фазилат ҳамда хислатларини билган тарзда меҳнатни оқилона ташкил этиши ва ижтимоий фойдали меҳнатнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатишидир.

Ҳозирги кунда таълим, фан ва ишлаб чиқаришдаги долзарб вазифалар кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб амалга оширилаётганига ишонч ҳосил қилинади.

Маълумки, ривожланган мамлакатлар тараққиёти энг аввало замонавий фан ва техника ютуқларидан халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида оқилона фойдаланиш билан фарқланади. Давлатнинг, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг ривожланиши етук кадрларга ҳамда фан-техника ютуқларидан қандай фойдаланишга боғлиқлигини бозор иқтисодиётининг шаклланиши кўрсатмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ўқув жараёнининг илмийлиги, замон талабларига мослиги, турмуш амалиёт билан боғланишига асосланган. Шунинг учун физика фанининг ўқитишидан мақсад, талабаларга етук мутахассис бўлиб етишишлари учун етарли даражада база яратиш, уларни келгусидаги меҳнат фаолиятларида учрайдиган муаммоларни ҳал этишда мустақил фикр юритишларига ва физика фанининг ютуқларини бевосита тадбиқ эта олишларидан иборат.

Бакалавр босқичи талабаларига мўлжалланган «Физика» фанининг асосий мақсади – талабага хилма-хил электротехник электрон асбоблар ва қурилмаларнинг ишлаш принципини ўрганиш ва тушиниши учун зарур бўлган чуқур билимларни бериш ва иш фаолиятларида, халқ хўжалигининг турли тармоқларида олинган билимларни ишлата олиш.

«Физика» фани бўйича талабаларнинг билими, ўқуви ва кўниумасига қўйиладиган талаблар:

а) билимга эга бўлиши керак:

- фанга тегишли бўлган назарий, амалий маълумотларни ўрганиш, аниқ тасаввурга эга бўлишлари;

- ҳар бир элементга эътибор берган ҳолда, фан сирларини тўлиқ ўзлаштириб олишлари лозим;

- физиканинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ўрни ва аҳамиятини билиш;

- меҳнатга тўғри мотивация муносабатини шакллантириш омиллари тўғрисидаги тасаввурларга эга бўлиш.

б) билиш керак:

- табиат қонунларини ўрганиш ва улардан инсоният эҳтиёжлари учун фойдаланиши;

- ҳодисанинг моделини яратиб бериш;

- материаллар ва маҳсулотларни физик хусусиятларини ўрганишда физикавий методлардан фойдаланиш;

в) бажарилиши лозим:

- физик асбоб-ускуналардан фойдаланиш, тажрибалар ўтказиш, олинган маълумотларни ишлаб чиқиш, тегишли хуносаларга эришиш, техника хавфсизлигини тўла сақлаш каби кўникмаларни ҳосил қилиш;

- гурӯҳ материалларини изланишида лаборатория усулларидан фойдаланиши;

- масалаларни ечишда компьютер технологиясидан фойдаланиш;

д) тасаввурларга эга бўлмоғи лозим:

- хизмат сифатини текшириш;

- маҳсулотларни синови;

- синовни асосий шароитлари – атроф-мухитни аниқ параметрларини таъминоти;

- технологияларни ва тайёр маҳсулотларни сифатли хусусиятларини баҳолаш;

- комплекс автоматлаштириш;

- автоматлаштиришнинг ва бошқаришнинг компьютер технологиялари;

- аҳолини турмуш даражасини кўтаришда хизмат кўрсатиш соҳасини, сервисни янги сифат даражасига кўтариш.

г) ғоявий-тарбиявий вазифа:

- фундаментал илми ўрганувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш, миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш;

- талабаларни миллат манфаатлари йўлида:

- техникани ривожлантириш;

- миллий маҳсулотни кўпайтириш;

- турмуш даражасини кўтариш руҳида тарбиялаш.

Мазкур «Физика» фани ўқув режасига асосан 1-курс, 2 семестрда ўтилиб, жами 154 соат ажратилиб, шундан 40 соат маъруза, 22 соат амалий машғулот, 22 соат лаборатория ишлари, мустақил таълимга 70 соат ажратилган.

Машғулотлар турлари бўйича ўқув соатларининг тақсимланиши

<b>№</b>	<b>Фан мавзуларининг номи</b>	<b>Маргуза</b>	<b>Амалий машғулотлар</b>	<b>Лаборатория ишлари</b>	<b>Мустакил иш</b>	<b>Жами</b>
1.	Механик ҳаракатнинг кинематик ва динамик тавсифи	2	1	2	2	7
2.	Механик иш. Энергия. Қувват	2	1	-	2	5
3.	Қаттиқ жисмлар механикаси	2	2	4	2	10
4.	Механик тебранишлар	2	1	4	4	11
5.	Механик тўлқинлар. Товуш тўлқинлари	2	1	-	4	7
6.	Газларнинг молекуляр-кинетик назариясининг асослари	2	2	-	4	6
7.	Термодинамика асослари	2	1	-	4	7
8.	Суюқликлар. Қаттиқ жисмлар	2	1	4	2	9
9.	Электр майдон вакуумда. Электр майдонида диэлектриклар	2	1	-	4	7
10.	Электр майдонида ўтказгичлар	2	1	-	4	7
11.	Ўзгармас электр токи	2	2	-	4	8
12.	Ўтказгичлар, диэлектриклар. Ярим ўтказгичлар	2	-	-	4	6
13.	Металларнинг классик назарияси. Вакуумда электр ток. Термоэлектрик ҳодисалар	2	-	4	4	10
14.	Электромагнетизм. Моддалардаги магнит майдони	2	1	-	4	7
15.	Электромагнит индукция	2	1	4	2	9
16.	Электромагнит майдони. Максвелл тенгламалари	2	-	-	4	6
17.	Ўзгарувчан электр токи	2	2	-	4	8
18.	Электромагнит тебранишлар ва тўлқинлар	2	2	-	4	8
19.	Квант физикаси. Квант оптикавий ҳодисанинг асослари	2	2	-	4	8
20.	Микрозаррачаларнинг тўлқин хусусиятлари. Атомнинг энергетик сатҳларининг дискретлиги.	2	-	-	4	6
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>40</b>	<b>22</b>	<b>22</b>	<b>70</b>	<b>154</b>

## **2. «Физика» ўқув фанининг мазмуни**

### **1-мавзу. Механик ҳаракатнинг кинематик ва динамик тавсифи**

Ўзбекистон Республикасининг истиқболи техника, технология, ишлаб чиқаришни дунё стандартлари даражасида ривожланиши ва уларни амалга оширувчи кадрларнинг малакаси ва салоҳияти билан аниқланади. Бундай масалаларни ечишда физика фанини аҳамияти катта.

Физика ҳозирги замон жамияти ҳаётида жуда муҳим ўринни эгаллади. Саноатда, қишлоқ хўжалигида, тиббиётда, майший хизматда, маданиятда у инсон ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий шароитини тубдан ўзгаришига кўмаклашмоқда.

Талабаларни мутахассислари учун физика фанининг ривожланиш тарихи, мақсади, вазифаси, тадқиқот услублари ва амалий аҳамияти ҳақида кенг маълумотлар бериш. Механик ҳаракатнинг характеристикалари, турлари ва амалиётда фойдаланиши ҳақида чуқур билим бериш.

9-16 асрда илмий изланишлар маркази Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига силжиди. Бу даврга келиб, фан ривожига, жумладан физикани ривожига Ўрта Осиё олимлари улкан ҳисса қўшдилар. Физика, математика, астрономия ва табиатшуносликка оид масалалар Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Форобий, Беруний, Термизий, Ибн Сино, Улуғбек, Али Қушчи ва бошқа ўрта осиёлик олимларнинг ишларида ўз аксини топган.

Беруний дунёning моддийлиги, ҳаракатнинг турлари, жисм инерцияси, фазовий жисмларнинг вазнсизлиги тўғрисида фикрлар юритди.

Ибн Сино ҳаракатнинг нисбийлиги, инерция, куч, масса ва тезланиш орасидаги боғланиш, айланма ҳаракат, марказга интилма куч, чизиқли тезлик ва бошқа мавзуларга тегишли мулоҳазаларининг аксарияти ҳозирги замон тушунчаларига жуда мос келади.

### **2-мавзу. Механик иш. Энергия. Қувват**

Биз ўзимизни ўраб олган шароитда бир-бирига қандайдир кучлар билан таъсир қилаётган жисмларга дуч келамиз. Табиий равишда кучларнинг жисмлар кўчиши билан боғлиқ бўлган таъсирни иш деб аталадиган физик катталиқ характерлайди.

Бирор иш бажара олиш қобилиятига эга бўлган ҳар қандай жисм ёки жисмлар системаси энергияга эга бўлади.

Энергия жисмнинг ёки жисмлар системасининг ҳолатини унинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишида иш бажариш қобилиятини характерлайди.

Амалиётда катта аҳамиятларга эга бўлган физик катталиклар – механик иш, қувват, энергия тўғрисида чуқур билимлар бериш.

Энергиянинг сақланиш ва айланиш қонуни – табиатнинг энг муҳим асосий қонуниятлардан бири.

Энергиянинг сақланиш ва айланиш қонуни вақт симметрияси, вақтнинг бир жинслиги хусусияти билан боғланган.

Шарқ олими Беруний энергия айланиши тўғрисида фикрлар юритди.

### **3-мавзу. Қаттиқ жисмлар механикаси**

Механикада кўп фойдаланиладиган моделлардан яна бири абсолют қаттиқ жисм тушунчасидир. Шуни назарда тутиш керакки, табиатда абсолют қаттиқ, яъни мутлақо деформацияланмайдиган жисмлар йўқ. Бундай моделдан фойдаланиб, қаттиқ жисм кинематикаси ва динамикасидан билимлар бериш ва улардан амалиётда фойдаланишни ўрганиш.

Беруний Ернинг ўз ўки атрофида айланишини ўзи ясаган асбоблар ёрдамида исботланди ва Ер радиуси 6490 км га яқин эканлигини аниқлади. Ер ва бошқа сайёralарнинг Қуёш атрофидаги ҳаракатлари эллипс шаклига яқинлиги тўғрисида фикрлар юритди.

### **4-мавзу. Механик тебранишлар**

Табиат ва техникада жуда кўп тарқалган такрорланувчи жараён асосида тебранишлар ва уларни ҳосил қилган тўлқинлар ётади.

Бизнинг планетамизнинг ҳаётида ҳам тебранма ҳаракат рўй беради. Тирик организмда ҳам тебраниш рўй беради.

Физикавий табиатга қараб тебранишларнинг икки тури бор. Тебранаётган жисм ҳамиша бошқа жисмлар билан боғлиқ ва улар билан бирга тебранаётган системани ҳосил қиласди.

Хозирги замон физикасида тебранишлар физикаси маҳсус соҳа сифатида ажralиб чиққан бўлиб, унда турли хил тебранишлар ягона нуқтаи назардан қаралиб чиқиласди. Тебранишлар физикасининг хулосалари механик тебранишлар, ўзгарувчан ток, электротехника ва радиотехниканинг назарий асосини ташкил қиласди.

Беруний денгиз ҳамда уммон сувларининг қўтарилиши ва пасайиш сабаблари тўғрисида фикрлар юритди.

### **5-мавзу. Механик тўлқинлар. Товуш тўлқинлари**

Механик тебранишларнинг эластик муҳитда тарқалиш жараёни механик тўлқин деб айтилади.

Кандайдир система муҳитда тебранма ҳаракатда бўлсин. Муҳит зарралари бир-бири билан боғланган бўлса, тебраниш ҳаракат энергияси системани ўраб турган муҳит заррачаларига берилади ва уларни тебранма ҳаракатга келтиради. Ана шундай тебранишларнинг муҳитда тарқалиши тўлқинлар деб аталади.

Тўлқинлар тебранишлари ва тарқалиш йўналишининг ўзаро муносабатига қараб икки хил бўлади.

Эластик муҳитда тарқалаётган тўлқинлар частотаси 16 Гц дан 20000 Гц гача бўлса, бундай тўлқинларни инсон эшитиш органи – қулоғи орқали сезади ва бўйлама механик тўлқинлар товуш тўлқинлари ёки товуш деб аталади.

Абу Наср ал-Форобийнинг товуш тезлиги, товушнинг тўлқин табиати. Товуш частотаси, товуш тўлқиннинг узунлиги ҳақидаги фикрлари ва уларга асосланиб яратилган мусиқа нотаси ҳамда оптикага оид кўпгина ишлари физика фанининг ривожланишига қўшилган катта ҳисса бўлади.

### **6-мавзу. Газларнинг молекуляр-кинетик назариясининг асослари**

Молекуляр физика ва термодинамика айни бир доирадаги ҳодисаларни, хусусан, жисмлардаги макроскопик жараёнларни, яъни жисмлар таркибидаги

улкан миқдордаги атомлар ва молекулалар билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни ўрганади.

Молекуляр физика модданинг атом-молекуляр тузилиши ҳақидаги тасаввурлардан келиб чиқади ва иссиқликни атом ва молекулаларнинг тартибсиз ҳаракати деб қарайди.

Жисмларнинг ички хоссалари иссиқлик ҳаракатига боғлиқ, шунинг учун иссиқлик ҳаракатини ўрганиш жисмлар ичда юз берадиган қўп жараёнларни тушуниб олишга имкон беради.

Иссиқлик ҳодисаларининг қонунлари кашф этилиши бу ҳодисалардан амалда, техникада самарали фойдаланишга имкон беради.

Газсимон, суюқ ва қаттиқ ҳолатдаги моддаларни ўрганишда молекуляр-кинетик назария асосий назария бўлиб қолди.

Ҳозирги замон фанида жисмларнинг физик хоссаларини ўрганишда икки хил ёндашишдан – термодинамик ва молекуляр-кинетик усулдан фойдаланилади.

Ҳозирги замон техникасида кўпгина жараёнларда кўчиш ҳодисаси кузатилади. Масалан, қандни ишлаб чиқаришда – лавлагидан қандни ҳосил қилишни (экстракция) диффузия ҳодисаси таъминлайди.

Беруний бўшлиқ, атмосфера босими, суюқликлар гидростатикаси, қор, ёмғир ва дўлнинг пайдо бўлиш сабаблари тўғрисида фикрлар юритди.

Ибн Сино бўшлиқ ва атмосфера босими, конвекция, иссиқлик узатилишининг турлари тўғрисида фикрлар юритди.

А.Эйнштейн, поляк физиги М.Смолуховский ва француз физиги Ж.Перренлар броун ҳаракати атом ҳамда молекулаларнинг иссиқлик ҳаракати эканлигини исботлаб, молекуляр-кинетик назария асослари бўлган броун ҳаракатининг миқдорий назарияни яратдилар.

Материянинг кинетик назарияси тарақкий этиши Л.Больцман томонидан статистик механика – Больцман статистикасининг яратилишига олиб келди.

## **7-мавзу. Термодинамика асослари**

Термодинамика термодинамик мувозанат ҳолатида турган макроскопик системаларнинг умумий хоссалари ва бу ҳолатлар орасидаги ўтиш жараёнларни ўрганади.

Термодинамика турли иссиқлик, механик, электр ва ҳоказо жараёнларда молекулаларнинг иссиқлик ҳаракати туфайли энергиянинг ўзгариши ва бир турдан иккинчи турга айланиш қонуниятларини ўрганади.

Термодинамика фундаментал қонун ва тамойиллар асосида курилади.

Термодинамика асосида инсониятнинг қўп асрлик тажрибаси натижасида тасдикланган иккита фундаментал қонун ётади. Биринчи қонун энергиянинг айланиш жараёнининг миқдорий ва сифат томонларини тавсифлайди. Иккинчи қонун бу жараёнларнинг йўналишлари ҳақида фикр юритишга имкон беради.

Термодинамиканинг учинчи қонуни энтропиянинг мутлоқ қийматини аниқлайди, Нернстнинг иссиқлик қонуни деб ҳам аталади.

Бу учта қонун термодинамика жараёнларни таҳлил қилиш ва турли иссиқлик машиналарини ҳисоблашга имкон беради.

Энергиянинг сақланиш ва айланиш қонуни иссиқлик ҳодисалари назариясининг асосий қонуни бўлиб, у термодинамиканинг биринчи бош қонуни деб аталади. Термодинамиканинг ривожланишида С.Карно, Р.Клаузиус, У.Томсон, Э.Клапейрон ва Д.И.Менделеевнинг хизматлари катта бўлди. С.Карно иссиқликнинг механик ҳаракатга айланишини аниқлади. Р.Клаузиус, У.Томсон иссиқлик назариясининг асосий қонуни – термодинамикани иккинчи бош қонунини таърифладилар.

### **8-мавзу. Суюқликлар. Қаттиқ жисмлар**

Моддалар уч агрегат (газ, суюқ, қаттиқ) ҳолатда бўлиб, уларнинг физик хусусиятлари ҳолат параметрлари ўзгариши билан бир-бирига ўхшаш бўлиши ҳам ёки тубдан фарқ қилиши ҳам мумкин.

Модданинг суюқ ҳолати унинг газсимон ҳамда қаттиқ ҳолатлари орасидаги оралиқ ҳолат бўлиб, у иккала ҳолат билан маълум ўхшашикларга эга бўлади.

Суюқлик сиртини таранг ҳолати сирт таранглик деб аталади.

Сирт таранглик модданинг суюқ ҳолати учун характерли бўлган ҳодисаларни тушунтиради.

Суюқликнинг эгриланган сирти остида ички босимдан ташқари яна қўшимча босим ҳам вужудга келади. Қўшимча босим капилляр ҳодисаларда катта роль ўйнайди.

Айрим суюқликлар қаттиқ жисмни ҳўлласа, бошқаларни ҳўлламайди.

Ҳўллаш ва ҳўлламаслик ҳодисаси саноатда ва турмушда катта аҳамиятга эга. Капилляр ҳодисалар табиат ва техникада катта роль ўйнайди.

Қаттиқ жисмлар бир-биридан ички тузилиши жиҳатдан батамом фарқ қилувчи кристалл ва аморф жисмлар кўринишида учрайди. Қаттиқ жисмлар асосан кристалл ҳолатда бўлади.

Табиатда кристалл ҳолат жуда кўп тарқалган. Кўпчилик қаттиқ жисмлар кристаллардир.

Янги технологияларнинг ривожланиш хусусиятларини турли хил физик жараёнларни бошқариш учун мумкин бўлган янги материаллар ва моддаларни олиш билан боғлиқдир.

### **9-мавзу. Электр майдон вакуумда. Электр майдонида диэлектриклар**

Физиканинг ҳаракатсиз электр зарядлар майдони ва уларнинг ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими – электростатикадир. Ҳаракатсиз электр зарядлар ҳосил қилган электр майдон электростатик майдон дейилади.

Электростатиканинг асосий қонуни – Кулон қонуни. Электр зарядларни ўзаро таъсири фақат электр майдон орқали амалга ошади.

Зарядланган ҳар бир жисмли электр майдон ўраб олади.

Хизмат кўрсатиш соҳаларида, техникада энг аҳамиятли материаллардан бири ҳам электр ўтказмайдиган моддалар, диэлектриклар.

Техникада ишлатиладиган диэлектриклар ҳар хил. Улар табиий ва сунъий бўлиши мумкин.

Ташқи электр майдон таъсирида диэлектрик қутбланади, унинг сиртидаги бир томонда мусбат ишорали боғланган зарядлар, иккинчи томонда эса манфий ишорали боғланган зарядлар пайдо бўлади.

Ташқи майдон бўлмаганда спонтан (ўз-ўзидан) қутбланиш қобилиятига эга бўлган моддалар бор, шу моддаларнинг барчаси сегнетиклар деб айтиладилар.

Шарқ олими Ибн Сино яшин ва яшиннинг турлари, момақалдироқ ҳодисасини ёритиши, физика фанига катта ҳисса қўши.

18-асрда француз олими Ш.Дюфе электрнинг икки тури мавжудлигини аниқлади. Г.Кавендиш ва ундан мустасно Ш.Кулон қўзғалмас электр зарядининг ўзаро таъсир кучини тажрибада аниқладилар ҳамда математик ифодасини топиб, асосий қонун – Кулон қонунини очдилар.

Рус физиклари Г.Рихман, М.В.Ломоносов ва америкалик олим Б.Франклун атмосферада ҳосил бўладиган электр, яшиннинг табиатини тушунириб бердилар.

### **10-мавзу. Электр майдонида ўтказгичлар**

Ўтказгичларда эркин зарядлар мавжуд бўлганлиги учун ташқи электростатик майдон таъсирида ўтказгич сиртининг бир қисмида мусбат ишорали эркин заряд, бошқа иккинчи қисмида эса манфий ишорали заряд пайдо бўлади. Ўтказгич ичидаги ҳеч қандай эркин заряд бўлмагани учун электростатик майдон ҳам бўлмайди.

Ўтказгичнинг сирти эквипотенциал сирт бўлгани учун зарядланган ўтказгични потенциал билан ҳарактерлаш мумкин. Ўтказгичнинг заряди ортган сари унинг потенциали ҳам ортади.

Ўтказгичнинг электр заряд тўплаш хусусиятини ифодаловчи электр катталиқ электр сифими дейилади. Миқдор жиҳатидан яккаланган ўтказгичнинг потенциалини бир бирликка ўзгартириш учун зарур миқдорига тенг. Электр сифими ўтказгичнинг ўлчамларига, геометрик шаклига ва атроф муҳитнинг диэлектрик сингдирувчанлигига боғлиқ. Масалан, яssi конденсатор учун

$$C = \frac{\epsilon \epsilon_0 S}{d}$$
 дан аниқланади.

Амалда конденсаторларни параллел, кетма-кет ёки аралаш йўли билан зарур электр сифими олинади.

### **11-мавзу. Ўзгармас электр токи**

Электр токи пайдо бўлиши ва доимо пайдо бўлиб туриши учун: 1) моддада эркин электр зарядлари, 2) уларни тартибли ҳаракатга келтирувчи электр майдон ва 3) занжир берк бўлиши керак. Зарядли зарралар ток ташувчилар деб аталади. Ўтказгичларда ўтказувчанлик, конвекцион ва силжиш токи мавжуддир. Силжиш токи магнит майдон ҳосил қилиш хусусияти жиҳатидангина ўтказувчанлик ва конвекцион токка эквивалентdir.

Электр токининг мавжудлигини ток туфайли юз берадиган қуйидаги таъсир ёки ҳодисаларга қараб билиш мумкин: 1) иссиқлик таъсири – ток ўтаётганда ўтказгич қизийди; 2) кимёвий таъсири; 3) магнит таъсири; 4) куч таъсири; 5) ёруғлик таъсири.

Электр токи ток кучи  $I$  ва ток зичлиги  $\vec{j}$  билан ифодаланади. Ток кучи ва йўналиши вақт ўтиши билан ўзгармаса, ўзгармас ток деб аталади.

Электр занжири ёрдамида электр энергияси узатилади, тарқатилади ҳамда кучланиши пасайтирилади ёки оширилади. Электр энергияси манбаларида бирор турдаги энергия (сув, иссиқлик ва бошқа энергияси) электр энергиясига, қабул қылгичлар (истеъмолчилар)да электр энергияси иссиқлик, механик ва бошқа энергияга айлантирилади.

Электр занжир режими (иш мароми) барча қисмлардаги ток ва кучланиш қийматига боғлиқ бўлади. Электр занжиридаги ток, ЭЮК ва кучланиш ўртасидаги муносабат Кирхгоф қонунлари билан тушунтирилади.

Электр занжиридаги токининг иш тезлигини характерловчи катталик токнинг қуввати дейилади.

Ток манбаларининг энергияларини фойдали ишга сарфлаш қобилияти фойдали иш коэффициенти деб аталувчи катталик билан характерланади.

Амалда юкламанинг  $R$  қаршилиги ток манбайнинг  $r$  қаршилигидан қанча катта бўлса,  $R > r$ , фойдали иш коэффициентининг қиймати шунча катта бўлиши келиб чиқади.

Электр энергия бошқа тур энергияларга осон айланади, шунинг учун электр токининг қўлланиш соҳаси хилма-хилдир.

А.Гальвани, А.Вольта ва кейинчалик рус физиги ҳамда электротехники В.Петровнинг кузатишлари ва тадқиқотлари электродинамиканинг вужудга келиши ҳамда ривожланишига сабаб бўлди.

Италиялик олимлар А.Гальвани ва А.Вольтанинг электр токини кашф этишлари ҳамда дунёда биринчи марта 1800 йилда гальваник элементнинг ясалиши физика фанининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

## **12-мавзу. Ўтказгичлар. Диэлектриклар. Ярим ўтказгичлар**

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида ўтказгичлар, диэлектриклар ва яримўтказгичлар катта аҳамиятга эга.

Ўзларининг электр ўтказувчанлик хоссаларига қараб қаттиқ жисмлар металларга (ўтказгичларга), яримўтказгичларга ва диэлектриклар (изоляторлар)га бўлинади.

Электр ўтказувчи моддалар солиштирма қаршилигининг катта кичикилигига қараб электр токини яхши ўтказадиган электр ўтказгичлар ( $\rho=10^{-6}\div10^{-4}$  Ом·см), изоляторлар ( $\rho=10^5\div10^{18}$  Ом·см) ва ярим ўтказгичлар ( $\rho=10^{-4}\div10^{-5}$  Ом·см)га бўлинади. Металлар, электролитлар ва плазмалар электр ўтказувчидир.

Амалиётда кенг қўлланиладиган ўтказгич электр сими. Электр сими электр энергиясини ўзатиш ва таксимлаш, электр ва радио сигналларини узатиш ҳамда электр машиналар, трансформаторлар, ўлчаш асбоблари ва бошқа асбоб-ускуналар чулғамларини тайёрлашда қўлланилади.

Электролит орқали электр токи ўтганда электролитларда электролит таркибий қисмларининг ажralиб чиқиш жараёни электролиз дейилади. Техникада электролиз турли мақсадларда қўлланилади.

Амалиётда кимёвий ток манбай – галваник элементлар, батареялар ва аккумуляторлар катта аҳамиятга эга. Улар кимёвий энергияни ўзгармас ток электр энергиясига айлантириб берадилар. Кимёвий ток манбалари

транспортда, радиотехникада, автоматик бошқариш системаларида кенг кўламда қўлланилади.

Техникада ишлатиладиган барча изоляция материаллари электр майдони таъсирида маълум энергия нобудлигига сабаб бўлади. Табиатда абсолют диэлектрик йўқ.

Электр энергияси ҳосил қилиш, юбориш ва истеъмол этишда электр ўтказувчи қисмлар орқали ўтган ток тарқалиб кетмаслиги учун ўтказгичлар бир-биридан махсус материаллар воситасида ажратилади. Булар электр изоляцион материаллар деб аталади.

Электр изоляцион материаллар қандай кучланишларга бардош беришига қараб юқори кучланиш техникаси ва паст кучланиш техникаси материалларига бўлинади.

Амалиётда товар сифатида ишлаб чиқарилган электр изоляцион материаллар – кабеллар.

Солишинида электр қаршилиги металларнига нисбатан катта, диэлектрикларнига нисбатан кичик бўлган моддалар яримўтказгичлар дейилади.

Яримўтказгичли асбоблар электрон ва ион асбобларга нисбатан анча афзаликлари туфайли кўпгина соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

### **13-мавзу. Металларнинг классик назарияси. Вакуумда электр токи. Термоэлектрик ҳодисалар**

Эркин электронлар ҳақидаги тасавурлардан фойдаланган ҳолда Друде, кейинчалик Лоренц металларнинг классик назариясини ишлаб чиқсан. Друде металлардаги ўтказувчи электронлар табиати идеал газ молекулаларига ўхшаган бўлади, деб фараз қилган. Электронлар ўзаро эмас, балки қўпроқ металларнинг кристалл панжараларини ташкил этувчи ионлар билан тўқнашади. Бу тўқнашишлар электрон газ билан кристалл панжара орасида иссиқлик мувозанати ўрнатилишига олиб келади.

Металларнинг юқори электр ўтказувчанликлари билан бирга, юқори иссиқлик ўтказувчанликка эга эканлиги тажрибадан маълум. Видеман ва Франц иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини электр ўтказувчанлик коэффициентига нисбати барча металлар учун тахминан бир хил бўлиб, абсолют температурага пропорционал ўзгаришини кўрсатувчи эмпирик қонунларини аниқладилар.

Классик назариянинг қатор ҳодисаларни тушунтира олмаслигига қарамай, ўз аҳамиятини шу вақтга қадар сақлаб келди, чунки эркин электронлар концентрацияси кичик бўлган холларда у қониқарли натижаларни беради. Шу билан бирга классик назария квант назариясига қараганда бир мунча содда ва кўргазмалидир.

### **14-мавзу. Электромагнетизм. Моддалардаги магнит майдони**

Классик физиканинг ривожланишида У.Гильберт катта хисса қўшди. 1600 йилда У.Гильберт электр ва магнит ҳодисаларни ўрганиш билан шухрат қозонди ҳамда Ер тирик магнит эканлигини исботлади. У компас магнит милининг бурилишини Ернинг катта магнитга ўхшаши орқали тушунтирди, магнетизм ва электрнинг ўзаро боғланишини текширди.

1820 йилда даниялик физик Х.Эрстед токли ўтказгичнинг компас мили билан ўзаро таъсирида бўлишини электр ва магнит ҳодисалар орасида боғланиш борлиги билан тушунтириди. Шу йилларда А.Ампер зарядланган зарраларнинг тартибли ҳаракати туфайли пайдо бўлувчи электр токи билан барча магнит ҳодисалари боғлиқ эканлиги тўғрисида холосага келди ва тажриба асосида токли ўтказгичлар орасидаги вужудга келувчи ўзаро таъсир кучини ифодаловчи қонунни ихтиро қилди.

Табиатдаги барча моддалар у ёки бу даражада магнит хоссаларига эгадир. Ҳозирги вақтда ихтиёрий моддани ташкил қиласан элементар зарралар, атом ва молекулаларнинг магнит хоссага эга эканлиги аниқланган. Ҳар қандай модданинг магнит хоссаси атомдаги электронларнинг магнит хоссалари билан характерланади.

Ферромагнитлар ва антиферромагнитларда магнит хоссалар билан боғлиқ қўшимча иссиқлик сифими мавжуд. Уларнинг парамагнитларга ўтиш температураларида (Кюри нуқтаси, Неель нуқтаси) иссиқлик сифимининг ортиши кузатилади.

### **15-мавзу. Электромагнит индукция**

20-аср бошида атом тузилишига оид кашфиётлар натижасида атомлардаги электронларнинг ядро атрофидаги айланма ҳаракатлари туфайли молекуляр ҳосил бўлиши аниқланди. Х.Эрстед ва А.Ампернинг катта меҳнатларидан сўнг магнетизм электр ҳақидаги таълимотнинг таркибий қисми бўлиб қолди. Шу даврга келиб, инглиз физики М.Фарадейнинг илмий фаолияти бошланди. Айниқса, унинг 2 кашфиёти: электромагнит индукция ҳодисаси ва электролиз ҳодисаси физика тарихида муҳим аҳамиятга эга. Фарадей бу кашфиётлари билан электрнинг кўп техник қўлланишига назарий асос яратди. Э.Х.Ленц индукцияланган электр токининг йўналишини аниқлашнинг умумий қоидасини аниқлади (Ленц қоидаси). М.Фарадей ўз ишларида электр ва магнит майдонлари тушунчаларини киритди, майдоннинг ўзгариши ва атроф муҳитга тарқалишида шу моддий муҳитнинг хусусиятлари асосий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

### **16-мавзу. Электромагнит майдони. Максвелл тенгламалари**

Электр ҳақидаги таълимотнинг иккинчи даври 19-асрнинг 2-ярмидаги кашфиётлар билан боғлиқ. М.Фарадейнинг электр ва магнит майдонлар ҳақидаги таълимотини инглиз физиги Ж.Максвелл чуқурлаштириди ва ривожлантириди. Максвеллнинг энг катта илмий ютуғи электромагнит майдон назариясини ва уни ифодаловчи тегишли тенгламалар тизимини яратди. Максвелл электр майдонининг вақт бўйича ўзгариши уюрма магнит майдонни ва аксинча, магнит майдоннинг вақт бўйича ўзгариши уюрма электр майдонни ҳосил қилишини ўз назариясига асос қилиб олди.

Электромагнит майдон моддийлиги унда кучларнинг таъсири сезилиши билан, унинг энергия ташиши ва узатиши билан тасдиқланади. Моддий муҳитда электромагнит майдон ушбу физик катталиклар – электр майдон кучланганлиги  $\vec{E}$ , электр индукция -  $\vec{D}$ , магнит майдон кучлангилиги -  $\vec{H}$ , магнит майдон индукцияси -  $\vec{B}$  билан тавсифланмайди. Бу катталиклар ўзаро Ж.Максвелл тенгламалари орқали боғланган.

## **17-мавзу. Ўзгарувчан электр токи**

Аналитик ифодалари қулай бўлганлиги ҳамда электр истеъмолчилидаги қувват исрофининг камлиги жиҳатдан синусоидал ток бошқа ўзгарувчан токлардан афзалроқдир.

Давр, частота, фаза, фазалар силжиши, бошлангич фаза ҳамда оний, эффектив, ўртача ва амплитудавий қийматлар – синусоидал катталикларнинг асосий кўрсаткичларири.

Ўзгарувчан ток занжирида ток, қувват ва энергия миқдори вақт давомида ўзгариб туради. Синусоидал ток занжирларини характерловчи физик параметрлар актив қаршилик  $R$ , индуктивлик  $L$  ва сифим  $C$  дир.

Актив, индуктив ва сифими қаршиликлардан ташкил топган занжирда кучланишлар учбурчаклиги ҳосил бўлади. Кучланишлар учбурчаклигининг томонларини  $I$  токга кўпайтириб, қувватлар учбурчаклиги ясалади.

Ўзгарувчан ток занжирларида кучланишлар резонанси ва токлар резонанси ҳодисаси рўй беради.

Кучланишлар резонанси ҳодисасидан радиотехникада кенг фойдаланилади.

Токлар резонанси ҳодисасидан электротехник қурилмаларнинг қувват коэффициентини ошириш учун кенг фойдаланилади.

Ўзгарувчан токни узатиш линияларида қувват коэффициенти муҳим аҳамиятга эга, чунки у занжирда энергияни йўқотишини характерлайди. Электр узатиш линияларини лойиҳалашда қувват коэффициентини юксалтиришга ҳаракат қилиш керак.

## **18-мавзу. Электромагнит тебранишлар ва тўлқинлар**

Физикавий табиатига қараб тебранишлар иккига, яъни механик ва электромагнит тебранишларга бўлинади.

Электромагнит тебранишлар деб зарядлар, токлар, электр ва магнит майдонлари кучланганликларининг ўзаро боғлиқ даврий ўзгаришига айтилади.

Электромагнит тебранишлар тебраниш контури деб аталувчи системада рўй беради.

Тебраниш контури ҳар қандай радиотехник қурилманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Электр майдон кучланганлиги ва магнит майдон индукцияси даврий ўзгараётган ўзгарувчан электромагнит майдонининг фазода тарқалишига, электромагнит тўлқин деб аталади.

Максвеллинг табиатда электромагнит тўлқинлар мавжудлигини, уларнинг аниқ ҳусусиятлари – босими, дифракцияси, интерференцияси, тарқалиш тезлиги, қутбланиши борлигини аниқлади. Максвелл назариясидан ёруғликнинг электромагнит ҳусусиятига эга эканлиги келиб чиқди. Немис физиги Г.Герцнинг электромагнит тўлқинларни аниқлаш бўйича олиб борган тажрибалари буни тасдиқлади. П.Лебедев ёруғликнинг босимини тажриба орқали аниқлади. Рус физиги А.С.Попов Максвелл назариясидан фойдаланиб симсиз алоқани яратди.

## **19-мавзу. Квант физикаси. Квант оптикавий ҳодисасининг асослари**

19-аср охирида аниқланган қатор янгиликлар Ньютоннинг фазо ва вақт мутлақлиги түғрисидаги тасаввурларини танқидий текшириб чиқиш кераклигини күрсатди. Ж.Пуанкаре, Х.А.Лоренц каби олимлар бу соҳада тадқиқотлар олиб боришиди. 1900 йилда М.Планк нур чиқараётган тизим – осциляторнинг нурланиш энергияси узлуксиз қийматларга эга деган классик фикрни рад этиб, бу энергия фақат узлукли қийматлар (квантлар)дангина иборат деган бутунлай янги фаразни илгари сурди. Шунга асосланиб назария билан тажриба натижаларини таққосланганда уларнинг мос келишини аниқлади. Планк гипотезасини А.Эйнштейн ривожлантириб, ёруғлик нурланганда ҳам, тарқалганда ҳам квантлар – маҳсус зарралардан ташкил топган деган фикрга келди. Бу зарралар фотонлар деб аталади.

М.Планк жисмларнинг иссиқлик нурланиш тушунчасига порция, яъни квант деган иборани киритди. Бу квант энергияси  $\varepsilon = h\nu$  га teng. А.Эйнштейн бу ғояни умумлаштириб, нурланиш дискрет бўлишини айтди. Электромагнит нурланиш квантлар – фотонлардан ташкил топган, бу эса фотоэффект ва Комптон эффицитига тасдиқланган. Фотон ҳам доим дискрет параметрларга, яъни аниқ энергия, импульс, спинга эга бўлади. Фотон корпускуляр хоссадан ташқари, тўлқин хоссага ҳам эга бўлиб, унинг бу хоссаси ёруғлик дифракцияси ва интерференцияси ҳодисасида юзага келади.

Физик ҳодисаларни тушунтиришда ўрта осиёлик олимларнинг мулоҳазалари қадимий анъаналар таъсирида ривожланган бўлса-да, улар математик усусларни кенг жорий этиб, тажрибалардан фойдаланиб, фанга катта ҳисса қўшдилар.

Аҳмад ал-Фарғоний асарлари Европада Уйғониш даври илмий тадқиқотчиларининг асосини ташкил этган асарлардан бўлди. У ёруғликнинг синиши ва қайтишини аниқлаган.

Беруний ёруғликнинг корпускуляр ҳамда тўлқин хоссаси, товуш ва ёруғлик тезлиги, ёруғликнинг қайтиши ҳамда синишининг сабаблари, дисперсия ҳодисасини аниқлаган.

Ибн Сино товуш ва ёруғлик тезлиги, ёруғлик дисперсияси, линза, атом тузилиши ва бошқа мавзуларга тегишли мулоҳазаларининг аксарияти ҳозирги замон тушунчаларига мос келади.

## **20-мавзу. Микро заррачаларнинг тўлқин хусусиятлари. Атомнинг энергетик сатҳларининг дискретлиги.**

Кўп амалий ҳолларда қониқарли натижалар берадиган классик физика катта тезликлар ва микрообъектлар билан боғлиқ ҳодисаларни тўғри тушунтиришга ожизлик қилди. Шундай ҳодисалар қаторига қаттиқ жисмларнинг иссиқлик сигими, атом тизимларининг тузилиши ва улардаги ўзгаришлар характери, элементар зарраларнинг ўзаро таъсири ҳамда бирбирига айланиши, микротизимлардаги энергетик ҳолатларнинг узлукли ўзгариши, массанинг тезликка боғлиқлиги ва бошқа масалалар киради.

20-асрнинг 20-йилларига келиб, квант механикага тўла асос солинди, микрозарралар ҳаракатининг норелятивистик назарияси тўла исботланди. Бунинг асосини Планк-Эйнштейн-Борларнинг квантлашув ва Л.Бройлнинг

материянинг корпускуляр – тўлқин хусусияти тўғрисидаги ғояларни ташкил этди. Тажрибаларда кузатилган электрон дифракцияси бу фикрни тасдиқлади. Австриялик физик Э.Шрёдингер атомларнинг узлукли энергияга эга эканлигини ифодаловчи квант механикасининг асосий тенгламасини яратди.

В.Паули бир хил квант ҳолатда фақат биттагина электрон бўла олишини кўрсатди (Паули принципи), шу асосда Менделеев даврий системасига назарий тус берилди.

### **3. Ўкув курси бўйича маъруза ва амалий машғулотларда ўқитиши технологияларини ишлаб чиқишининг концептуал асослари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати жаҳон андозаларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш масалаларига эътиборни қаратиб келмоқда. Дарс жараёнини бошқариш ва ташкиллаштиришда профессор-ўқитувчининг билими, тажрибаси, кўникмаси, илмий-педагог салоҳияти, маҳорати, қобилияти асосий омил ҳисобланади. Шунга кўра, жумладан маърузани оддийдан мураккабга қараб ривожлантириб қўлланиладиган ўкув қўлланмалар ва воситалар тайёрланади. Ўкув хонаси дарс учун тайёрлаб қўйилади.

Ўқитувчи маъруза қила туриб қуидагиларга эътибор қаратади:

- талабаларни савол-жавобга ундаш орқали гуруҳда муҳокама мухитини яратади, ижобий жавобни шакллантиради;
- вақтинча эркин фикр алмашишга руҳсат беради;
- кундалик ҳаётдан ибратли мисоллар келтиради;
- талабаларни савол беришга унрайди;
- илгари ўрганилган ҳодиса ва вазиятларни янгилари билан таққослашни амалга оширади;
- фан доирасида турли маълумотларни жонли, қизиқарли баён қиласди.

Дарс жараённида талабанинг танқидий (таҳлилий) фикрини шакллантиришда учта босқичдан фойдаланилади:

1. Йўлланма бериш.
2. Аҳамиятини ошириш.
3. Фикрлаш.

Талабаларнинг танқидий (таҳлилий) фикрини ривожлантиришда интерактив услубларнинг муҳим ўрни бор, булар ҳамкорлик субъектларни ижодий изланишга йўналтириш, номаълум ҳолатни очишга, кашф этишга кўмак берувчи назарий ақлий мулоҳазаларда ифодаланади.

Дарсни бошлаш жараённида талабаларда кўтаринки кайфият, юксак эҳтирос, ижодий руҳланиш кузатилса дарс жараёнининг самарадорлиги юқори бўлади. Бунда ўқитувчининг фаолияти аниқ режа асосида, олдиндан тайёрланган ҳолда бўлиши зарур. Демак, ўқитувчи томонидан дарс давлат таълим стандартлари асосида олиб борилади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос,

рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдир. Ушбу мураккаб муаммоларни ечимини топиб уларни амалда кенг қўллаш олий таълим тизими ходимлари олдига жуда катта вазифалар белгилайди. Бунда аниқ вазифалар сифатида бевосита ўқув жараёнини яхшилаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини амалга жорий қилиш, техник воситаларидан кенг фойдаланиш ва шу асосида масофадан ўқитишни кенг жорий қилишдан иборатдир.

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади. Бу ўқитувчининг маҳоратинигина эмас, балки тингловчининг истак-ҳохиши, қобилияти ва билим даражасини ҳам белгилайди. Таълим узоқ давом этадиган жараёндир. Билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга бўлган ҳодисадир. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эгадир. Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараён. Билим объектив борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида инсон миясидаги мушоҳадалар ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган кишилар сифати билан белгиланса, билим индивидуалликка эга бўлади. Таълимни амалга оширадиган ёки дарс берадиган кишиларнинг савияси турлича бўлиши мумкин. Лекин гуруҳдаги талабларга бериладиган таълим бир хилдир. Ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Талаба эса ана шу таълим жараёнида билимга эга бўлади. Бунинг учун у мустақил ўқийди, тайёрланади, мушоҳада қиласи, тасаввурларга эга бўлади, эшитганлари ва ўқитганларини синтез қиласи. Натижада билимга эга бўлади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қўйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маъruzалар ўқиш, дасрларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедия қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни ундейдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тинловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устиворлигини таъминлайди.

Айтилганлардан келиб чиқсан ҳолда, «Физика» ўқув фани бўйича таълим технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндошувларни келтирамиз:

**Шахсга ўналтирилган таълим.** Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини қўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ёндошилишни назарда тутади.

**Тизимли ёндошув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

**Фаолиятга йўналтирилган ёндошув.** Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

**Диолог ёндошув.** Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларнинг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириш ва ўз-ўзини кўрсата олиш каби ижобий фаолияти кучаяди.

**Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиши.** Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

**Муаммоли таълим.** Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини фаоллаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда кўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминлайди.

**Ахборотни тақдим қилишининг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш** – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Келтирилган концептуал йўриқларга асосланган ҳолда, «Компьютер моделлаштириш» курсининг мақсади, тузилмаси, ўқув ахборотининг мазмуни ва ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда, маълум шароит ва ўқув режасида ўрнатилган вақт оралиғида ўқитишни, коммуникацияни, ахборотни ва уларни биргаликдаги бошқаришни кафолатлайдиган усуллари ва воситалари танлови амалга оширилди.

**Ўқитишнинг усуллари ва техникаси.** Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар ва лойиҳалар усуллари, амалий ишлаш усули.

**Ўқитишни ташкил этиши шакллари:** диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, колектив ва гуруҳ.

**Ўқитиш воситалари** ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технологиялари.

**Коммуникация усуллари:** тинловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

**Тескари алоқа усуллари ва воситалари:** кузатиш, блиц-сўров, оралиқ ва жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

**Бошқариши усуллари ва воситалари:** ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

**Мониторинг ва баҳолаши:** ўқув машғулотида, ҳам бутун курс давомида, ҳам ўқитишининг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

**МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ, ЛАБОРАТОРИЯ  
МАШФУЛОТЛАРИДА ЎҚИТИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

## **1-мавзу. Механик ҳаракатнинг кинематик ва динамик тавсифи**

### **1.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси**

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-70 гача
Машғулот шакли	Кириш, ахборот маъруза-кўргазмали
Маъруза режаси:	1. Физика фани ва унинг мақсади ва вазифалари 2. Классик механика. Механик ҳаракатни кинематик тавсифи 3. Механик ҳаракатни динамик тавсифи 4. Фундаментал ўзаро таъсирлар ва кучлар 5. «Хизмат кўрсатиш» соҳаларда механик ҳаракатни катталиклари ва уларнинг амалий аҳамияти

*Ўқув машғулотининг мақсади:* ўқув фани бўйича умумий тушунча бериш. Талабаларнинг мутахассисликлари учун физика фанининг вазифаси, мақсади, тадқиқот услублари ва амалий аҳамияти ҳақида билим, малака ва кўнималарни шакллантириш.

#### ***Педагогик вазифалар:***

- физика фанини мақсади, вазифалари ҳақида умумий тушунча бериш, фанни ўқув жараёнида тутуган ўрни билан таништириш;
- ўқув фани ҳақида умумий тушунча бериш ва асосий адабиётлар билан таништириш;
- физика фанининг асосий тармоқлари ҳақида маълумот бериш;
- физика фанининг асосий таркибий қисмларини тушунтириш;
- физика фанини бошқа фанлар билан алоқалари ҳақида маълумот бериш.

#### ***Ўқув фаолияти натижалари:***


- физика фанини мақсади, вазифалари, фанни ўқув жараёнида тутгни ўрнини ёритиб беради;
- ўқув фанининг структураси тушунтирилади;
- физика фанининг асосий тармоқларини кўрсатиб, изоҳлаб беради;
- физика фанини бошқа фанлар билан алоқалари ёритиб берилади;
- физиканинг тадқиқот услубларини кўрсатиб, мазмунини ёритади.


Ўқитиш усуллари	кўргазмали маъруза, савол-жавоб, гуруҳда ишлаш, ақлий ҳужум усули
Ўқитиш воситалари	маърузалар матни, доска, кодоскоп, слайдлар, тарқатма материаллар, қоғозлар
Ўқитиш шакли	фронтал, жамоавий
Ўқитиш шарт-шароитлари	техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	оғзаки назорат: савол-жавоб шакли, «Физика» фани ҳақида эссе ёзиш

## Маъruzанинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолияти мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич Фан ва мавзуга кириш (15 минут)	<p>1.1. Ўқув фани номини айтади. Фан бўйича дастлабки маълумотлар берилади. Курснинг тузилмавий мантиқий чизмасини беради (1-илова), мавзулар рўйхатини беради ва уларга қисқача таъриф беради.</p> <p>1.2. Семестр давомида физика фани бўйича ўтиладиган мавзулар, уларга ажратилган соатлар ва талабаларни шу фанни ўзлаштиришдаги рейтинг тизими (жорий, оралиқ, якуний назорат баллари) билан таништирилади (2-илова)</p> <p>1.3. Мавзу, биринчи машғулотнинг мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтиб беради</p>	<p>Эшишидаи</p> <p>Ёзишидаи</p> <p>Эшишидаи</p> <p>Эшишидаи, ёзишидаи</p>
2-босқич Асосий (55 минут)	<p>2.1. Аудитория билан биргаликда ишлайди, талабаларни фаоллаштириш мақсадида «Ақлий ҳужум» усулини кўллаб, умумий саволлар берилади (3-илова)</p> <p>2.2. Слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларни тушунтириб беради.</p> <p>2.3. Мавзунинг режасини ҳар бир банди бўйича хulosса қиласи: жадвалларга ахборотларни киритиш лозимлигини эслатади</p>	<p>Эшишидаи, ёзишидаи</p> <p>Тамоша қилишидаи, ёзишидаи</p> <p>Саволлар берадилар</p>
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Мавзу бўйича якунловчи хulosса қиласи.</p> <p>3.2. Мавзу бўйича хulosаларни ёзиш вазифасини беради – эссе ёзиш (4-илова).</p> <p>3.3. Мустақил ишлаш учун вазифа беради</p>	Саволлар берадилар ёзишидаи

## 1. Фаннинг тузилмавий мантиқий чизмаси





## Фан бўйича ўқув соатларининг тақсимланиши

<b>№</b>	<b>Фан мавзуларининг номи</b>	<b>Маъруса</b>	<b>Амалий машғулотлар</b>	<b>Лаборатория ишлари</b>
1.	Механик ҳаракатнинг кинематик ва динамик тавсифи	2	1	2
2.	Механик иш. Энергия. Қувват	2	1	-
3.	Қаттиқ жисмлар механикаси	2	2	4
4.	Механик тебранишлар	2	1	4
5.	Механик тўлқинлар. Товуш тўлқинлари	2	1	-
6.	Газларнинг молекуляр-кинетик назариясининг асослари	2	2	-
7.	Термодинамика асослари	2	1	-
8.	Суюқликлар. Қаттиқ жисмлар	2	1	4
9.	Электр майдон вакуумда. Электр майдонида диэлектриклар	2	1	-
10.	Электр майдонида ўтказгичлар	2	1	-
11.	Ўзгармас электр токи	2	2	-
12.	Ўтказгичлар, диэлектриклар. Ярим ўтказгичлар	2	-	-
13.	Металларнинг классик назарияси. Вакуумда электр ток. Термоэлектрик ҳодисалар	2	-	4
14.	Электромагнетизм. Моддалардаги магнит майдони	2	1	-
15.	Электромагнит индукция	2	1	4
16.	Электромагнит майдони. Максвелл тенгламалари	2	-	-
17.	Ўзгарувчан электр токи	2	2	-
18.	Электромагнит тебранишлар ва тўлқинлар	2	2	-
19.	Квант физикаси. Квант оптикавий ҳодисанинг асослари	2	2	-
20.	Микрозаррачаларнинг тўлқин хусусиятлари. Атомнинг энергетик сатҳларининг дискретлиги.	2	-	-
<b>ЖАМИ:</b>		<b>40</b>	<b>22</b>	<b>22</b>

**Баҳолаш мезонлари**

86-100 балл «аъло»

71-85 балл «яхши»

55-70 балл «қониқарли»

Жорий назорат – 45 балл

Оралиқ назорат – 40 балл

Якуний назорат – 15 балл

**«Ақлий хужум» усулинин құллаганда қуийдаги эслатмага риоя қилинг.**

- Ҳеч қандай ўзаро баҳолаш ва танқидга йўл қўйилмайди;
- Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар ғаройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин;
- Тасаввурларинга эрк бер!
- Ўртоқларнинг фикрини хурмат қил;
- Агар фикрлар такрорланса ажабланма ва жаҳлингни чиқарма;
- Бошқалар фикрини танқид қилма;
- Фикрларни қўплиги янги фикрни туғилишига сабаб бўлади;
- Фикрларинга бир оз шуҳба бўлса ҳам, уларни айтишга ҳаракат қил.

**ЭССЕ**

Эссе – бу муаллифнинг алоҳида индивидуал позициясига эга эркин шаклдаги баёни бўлиб, қандайдир буюм ёки қандайдир сабаб бўйича умумий ёки олдиндан билдирилган фикр-мулоҳазалардан иборат бўлади.

Далилланган эссе – бу қўйилган саволга далилланган жавоб мавжуд бўлган ёзма ишдир. Муаллиф муайян позицияга эга ва уни ҳимоя қиласи, ўз позициясини қувватлаш учун бир қатор далилларни тақдим этади.

Мақсад – муаллиф ўзи қўллайдиган нуқтаи назарга бошқаларни ҳам ишонтиришни ҳоҳлайди.

! Агар сиз ўқувчиларни фикран тасаввур қила олсангиз ва эссени ёзиш жараёнида улар билан мулоқот юрита олсангиз, унда далилланган эссени ёзиш осонлашади.

Далилланган эссеңинг тузилиши:

- Масала юзасидан талабанинг нуқтаи назарини билдириш
- Айтилган позициянинг даллиланиши – талаба шу позицияни қабул қилишга ишонтиради
- Хулоса - резюме

Далилланган эссеңи баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари:

- мазмуннинг мақсадга мувофиқлиги;
- муаммони кўриш, унга муносабат, ўзининг нутқай назари, далилларнинг ишончлиги;
- услуг: баённинг аниқлиги, очик-равшанлиги;
- ёзиш қоидаларига риоя қилиш.

### Эксперт вараги №1

#### *Физика фани ва унинг мақсади ва вазифалари*

1. Физика фани нимани ўрганади ва фаннинг асосий вазифалари нимадан иборат?
2. Физика фанини бошқа фанлар билан алоқадорлиги асосида қандай амалий фанлар вужудга келган ва бундай фанларни вазифалари нимада?
3. Нимага табиий фанлар жамиятни ишлаб чиқарувчи кучлари билан боғлиқ?

### Эксперт вараги №2

#### *Механик ҳаракатни кинематик тавсифи*

1. Механик ҳаракат нима ва у қандай характерга эга?
2. Механик ҳаракатни турлари, кинематик катталиклари нимага асосланган?
3. Қайси усул билан механик ҳаракат тўғрисида кенг маълумот бериш мумкин?

### Эксперт вараги №3

#### *Механик ҳаракатни динамик тавсифи*

1. Динамика нима ва у нимани ўрганади?
2. Қайси қонунлар механик ҳаракатни ўрганадилар?
3. Нима асосида амалиётда эгри чизиқли ҳаракат вужудга келган? Ҳаракатни кинематик катталиклари, формулалари.
4. Механик ҳаракатни ўрганишда қайси Шарқ алломалари ўз ҳиссаларини қўшган?

### ***Гурухларда ишлаши қоидаси***

Хар бирингиз ўз гурух аъзоларингизни диққат, эътибор билан эшитишга ҳаракат қилинг.

Гурухнинг ҳар бир аъзоси фаол, ҳамкорликда ишлаши ва топширилган топшириққа масъулият билан ёндошиши керак.

Ҳар ким ўзига ёрдам керак бўлганда сўраши мумкин.

Ҳамма қатъий тушуниши керак:

- бошқаларга ёрдам бериб ўзимиз ҳам ўрганамиз;
- биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузуб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

### **Гурухларда ишлашни баҳолаш**

Гурухлар	Жавобнинг тўлиқлиги, (1,0)	Схемаларда берилганлиги (0,4)	Гурух иштирокчисининг фаоллиги (0,6)	Баллар	Баҳоси
1					
2					
3					
4					
5					
6					

### **Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари**


86-100 % 2 балл «аъло»

71-85 % 1,7 балл «яхши»


55-70 % 1,4 балл «қониқарли»

### **Баҳолаш мезонлари**


Ф.И.Ш.	Баҳо	Мезонлар			
		Билим	Фаоллик	Таклифлар	Жами балл
	Баллар	0,8	0,6	0,6	2
	%	40	30	30	100




1-Расм. Моддий нүктани (жисмни) күчиши



2-Расм. Түғри чизиқли текис ҳаракати тезлик график (а), ҳаракатни график тасвири (б)



3-Расм. Текис ўзгарувчан ҳаракатини тезлигини графиги (а), текис тезланувчан ҳаракатини босиб ўтган йўлни графиги (б)



4-Расм. Жисмни айлана бўйлаб ҳаракати.

## 2-мавзу. Механик иш. Энергия. Қувват

### 2.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-70 гача
Машғулот шакли	Тематик маъруза
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Механик иш ва унинг амалий аҳамияти</li> <li>2. Доимий ва ўзгарувчан куч таъсирида бажарган иш</li> <li>3. Қувват ва унинг амалий аҳамияти</li> <li>4. Механик энергия</li> <li>5. Курилмалар, машиналар, механизмларни фойдали иш коэффициенти</li> </ol>

*Ўқув машғулотининг мақсади:* амалиётда катта аҳамиятларга эга бўлган физик катталиклар – механик иш, қувват, энергия тўғрисида чуқур билимлар бериш.

<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ишга амалий тушунча бериш;</li> <li>• куч асосида бажарган иш ҳақида маълумот бериш;</li> <li>• энергия ҳақида умумий тушунча бериш;</li> <li>• энергияни танқислиги ҳақида маълумот бериш;</li> <li>• қувват ҳақида умумий тушунча бериш;</li> <li>• фойдали иш коэффициенти ҳақида умумий тушунча бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• фан асосида механик ишни мазмунни ва аҳамиятини ёритиб беради;</li> <li>• кучлар таъсирида бажарган ишни ёритиб беради;</li> <li>• фан асосида механик энергияни мазмунни ва аҳамиятини ёритиб беради. Энергияни муаммосини шакллантириш жараёнига ҳисса қўшади;</li> <li>• фан асосида қувватни мазмунни ва амалий аҳамиятини ёритиб беради;</li> <li>• «Хизмат кўрсатиши» соҳасида кўлланиладиган машиналар, курилмалар, механизмларни ФИКни ёритиб беради.</li> </ul>
--	--

Ўқитиш усуллари	Маъруза, муаммоли усул, мунозара, биргаликда ўқиш, тезкор савол-жавоб
Ўқитиш воситалари	маърузалар матни, доска, кодоскоп, слайдлар, тарқатма материаллар, қоғозлар
Ўқитиш шакли	фронтал, жамоавий
Ўқитиш шарт-шароитлари	техник воситалардан фойдаланишга ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	офзаки назорат: савол-жавоб шакли, назорат саволлари

## Маърузанинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолияти мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич Мавзуга кириш (10 минут)	<p>1.1. Мавзуни номи, мақсади, бугунги мавзунинг ўқув курсидаги ўрнини белгилайди.</p> <p>1.2. Экранга мавзуни тузилмавий мантиқий чизмасини чиқаради (2-илова).</p>	Эшишидаи Ёзишидаи
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Аудитория билан биргаликда ишлайди. Талабаларни билимларини жонлаштириш учун саволлар берилади (3-илова). «Жуфтлиқда ишлаш» қоидалари билан таништиради (4-илова)</p> <p>2.2. Слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларни тушунтириб беради (5-илова).</p> <p>Маъруза жараёнида фокусловчи назорат саволлар беради. Мавзунинг режасини ҳар бир банди бўйича хulosалар киласди: жадвалга ахборотларни киритиш лозимлигини эслатади.</p>	Эшишидаи, ёзишидаи  Эшишидаи, ёзишидаи  Саволларга жавоб берадилар
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Мавзу бўйича якунловчи хulosा қиласди.</p> <p>3.2. Мавзу бўйича хulosаларни ёзиш вазифасини беради.</p> <p>3.3. Мустақил ишлаш учун вазифа беради</p>	Саволлар берадилар Ёзишидаи  Мустақил иш мавзуларини ёзиб оладилар
	Мухокамага фаол қатнашган талабаларни рағбатлантиради, баҳолайди, ёзиб олади	Эшишидаи

1-илова (2.1)

Механик иш ва унинг амалий, техникавий аҳамияти	Қувват. Қувватни амалий, техникавий аҳамияти	Механик энергия. Табиатни универсал қонуни

## Мавзунинг тузилмавий мантикий чизмаси



### Жонлаштириш учун саволлар

1. Иш түшүнчеси нимани билдиради?
2. Материя асосида энергия қандай турларга эга?
3. Ишни бажариш суратини қайси катталик характерлайди?
4. Нима асосида дунё миқёсида энергия таниңсиги муаммоси вужудга келган?

### «Үйланг-жуфтликда ишланг-Фикр алмашинг»

Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

«Үйланг-жуфтликда ишланг-Фикр алмашинг» техникасидан фойдаланган ҳолда гурухларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши.

1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар бериш тартибида




2. Талабалар жуфтликларга бўлиниб, бир-бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишига ҳаракат қиласидилар.




3. Ўқтиувчи бир неча жуфтликларга 30 секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришини таклиф қиласиди.

Механик иш




1-Расм. Ўзгармас куч таъсирида бажарган иш

2-слайд



2-Расм. Ўзгармас куч таъсирида бажарган ишни график тасвири

3-слайд



3-Расм. Ўзгарувчан куч таъсирида бажарган иш

1-гурӯҳга топшириқ

**Эксперт варағи №1**

1. Нима учун иш амалий аҳамиятга эга?
2. Қачон жисм иш бажара олмайды ва унга мисол келтириңг?

2-гурӯҳга топшириқ

**Эксперт варағи №2**

1. Қайси күчлар таъсирида бажарган иш мусбат ёки манфий бўлади ва унга мисол келтириңг?
2. МЖ ва Ж нима ва унга мисол келтириңг

3-гурӯҳга топшириқ

**Эксперт варағи №3**

1. Энергия ва унинг турлари – мисол келтириңг.
2. Энергияни сақланиш ва айланиш қонуни нима?

4-гурӯҳга топшириқ

**Эксперт варағи №4**

1. Нима асосида энергияни танқислиги муаммоси вужудга келган – мисол кетириңг.
3. Бундай муаммони қандай ҳал қилиш мумкин

### Гурухларда ишлашни баҳолаш

Гурухлар	Жавобнинг тўлиқлиги, (1,0)	Схемаларда берилганлиги (0,4)	Гурух иштирокчисининг фаоллиги (0,6)	Баллар	Баҳоси
1					
2					
3					
4					
5					
6					

### Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари

86-100 % 2 балл «аъло»

71-85 % 1,7 балл «яхши»

55-70 % 1,4 балл «қониқарли»

### Баҳолаш мезонлари

Ф.И.Ш.	Баҳо	Мезонлар			
		Билим	Фоллик	Таклифлар	Жами балл
	Баллар	0,8	0,6	0,6	2
	%	40	30	30	100

5-илова (2.5)

### Мавзу бўйича назорат саволлари

Саволлар	Жавоблар
<ol style="list-style-type: none"> <li>Механик иш нима ва у қандай бирликларда ўлчанади?</li> <li>Оғирлик кучининг бажарган иши қандай бўлади?</li> <li>Кувват деб нимага айтилади?</li> <li>1 Ват·соат қанча жоулга teng?</li> <li>1 МВт ва Вт орасидаги боғланиш қандай бўлади?</li> <li>Кинетик энергия нима ва унинг формуласи.</li> <li>Машинани фойдали иш коэффициенти деб нимага айтилади?</li> <li>Жисмнинг тўлиқ механик энергияси деб нимага айтилади?</li> </ol>	

## 2.2. Амалий машғулотни ўқитиши технологияси

### 1-мавзу: Механик ҳаракатни кинематик ва динамик тавсифи. Механик иш. Энергия. Қувват

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 25
Машғулот шакли	Масалаларни ечишга асосланган амалий машғулот
Маъруза режаси:	1. Механик ҳаракат ва унинг турлари 2. Механик ҳаракатнинг кинематикаси ва динамикаси 3. Механик иш. Энергия. Қувват

*Ўқув машғулотининг мақсади:* назария асосида олинган билимларни чуқурлаштириш ва амалиётда улардан фойдаланишини таъминлаш.

<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• амалий машғулот ҳақида маълумот бериш;</li> <li>• масалаларни ечиш учун шартларни ўрганиш;</li> <li>• билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамллашга ёрдам бериш;</li> <li>• мантиқий хулоса чиқаришга ўргатиш.</li> </ul>	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, муҳокама учун саволлар, кўзланаётган натижалар ва машғулотни олиб бориш хусусиятини маълум қиласи. Услубий қўлланма билан таъминлайди. 1.2. Масалаларни ечиш қоидаси билан таништиради. 1.3. Талабалар билимини жонлаштириш учун жалб қилувчи саволлар беради.

Ўқитиши усуслари	ФСМУ технологияси, масалани амалий ишлаш усули
Ўқитиши воситалари	лекциялар курси, услубий кўрсатма, доска
Ўқитиши шакли	Гурухда ва индивидуал шакли
Ўқитиши шарт-шароитлари	техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш

## Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<p>1.1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва машғулотни олиб бориш хусусиятларини маълум қиласди (1-илова).</p> <p>1.2. Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (2-илова)</p>	Эшишишади, ёзишади
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Талабаларни фаоллаштириш мақсадида савол-жавоб ўтказилади (3-илова)</p> <p>2.2. Ҳар бир талаба мустақил равишда масалани ечишга ҳаракат қилишига ёрдам беради (4-илова)</p>	Саволларга жавоб беради  «ФСМУ» техника асосида
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Мавзу бўйича қисқа хulosалар қиласди, якун ясайди. Талабаларни билимини баҳолаш мезони орқали баҳолайди</p> <p>3.2. Мустақил ишлиш учун масалалар беради</p>	Эшишишади.  Аниқлайди  Ёзадилар
	Муҳокамага фаол қатнашган талабаларни рағбатлантиради, баҳолайди	

1-илова

### Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари

86-100 % 2 балл «аъло»

71-85 % 1,7 балл «яхши»

55-70 % 1,4 балл «қониқарли»

### Баҳолаш мезонлари

Ф.И.Ш.	Баҳо	Мезонлар			
		Билим	Фоллик	Таклифлар	Жами балл
	Баллар	0,8	0,6	0,6	2
	%	40	30	30	100

## **Масалаларни ечиш учун услубий кўрсатмалар**

1. Масалаларни ечишдан олдин масала асосида қандай физик қонуниятлар ётганлигини аниqlаш керак. Кейин бу қонуниятларни ифодаловчи формуладан ҳарфли белгилар орқали ечилишини топиш керак. Бундан кейин, албатта берилган сон қийматларни бирор бирликда чиқарилган формулага қўйиш мумкин.

2. Амалда ва адабиётларда бирликларнинг Халқаро системаси билан бирга бошқа бирликлар системаси кўп тарқалгандир. Шунинг учун кўпчилик масалалар шартидан берилган сон қийматлар СИ системасининг бирлигига ифодаланмаган.

3. Масалаларни СИ системасида ечиш учун масала шартида берилган ва жадвалдан олинган катталикларни СИ системасининг бирликларига келтириш керак. Бунда масаланинг жавоби ҳам, табиий ҳолда, шу системадаги бирликда келиб чиқади.

4. Графики чизилиши керак бўлган масалаларда масштаб ва координат бошини танлаб олиш зарур. Графикда албатта масштаб кўрсатилиши шарт.

### **«Тезкор-сўров» саволлари**

1. Масалани шартида жисм қандай ҳаракатга эга?
2. Механик ҳаракат қандай кинематик катталикларга эга?
3. Ҳар бир ҳаракатни қандай ифодалаш мумкин?
4. Масалани ечиши нечта босқичдан ташкил топган?
5. Масалани қайси системада ечиш керак?

### **ФСМУ технологияси**

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашибашга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қай даражада эгалланганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашибаш маданиятига ўргатади.

F - фикрингизни баён этинг
S - фикрингизни баёнига бирор сабаб кўрсатинг
M - кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг
U - фикрингизни умумлаштиринг

## 3-мавзу. Қаттиқ жисм механикаси

### **3.1. Маъруза машғулотининг ўқитиши технологияси**

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-70 гача
Машғулот шакли	Тематик маъруза
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Абсолют қаттиқ жисм. Қаттиқ жисм ҳаракатининг турлари</li> <li>2. Илгариланма ва айланма ҳаракатлар кинематикаси</li> <li>3. Айланма ҳаракат динамикасининг асосий тенгламаси</li> <li>4. Ҳаракатланаётган қаттиқ жисм энергияси</li> </ol>

*Ўқув машғулотининг мақсади:* қаттиқ жисм кинематикаси ва динамикасидан билимлар бериш ва улардан амалиётда фойдаланишни ўргатиш.

<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• абсолют қаттиқ жисм, қаттиқ жисм ҳаракатларига тушунча бериш;</li> <li>• илгариланма ва айланма ҳаракатлар ҳақида умумий тушунча бериш;</li> <li>• айланма ҳаракат динамикаси ҳақида маълумот бериш;</li> <li>• ҳаракатланаётган қаттиқ жисм энергияси ҳақида маълумот бериш.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• фан асосида абсолют қаттиқ жисм, қаттиқ жисм ҳаракатларини мазмуни ва аҳамиятини ёритиб беради;</li> <li>• фан асосида илгариланма ва айланма ҳаракатларни мазмуни ва аҳамиятини ёритиб беради;;</li> <li>• фан асосида айланма ҳаракат динамикасини мазмуни ва аҳамиятини ёритиб беради;</li> <li>• ҳаракатланаётган қаттиқ жисм энергиясини мазмуни ва аҳамиятини ёритиб беради.</li> </ul>
--	--

Ўқитиши усуллари	Маъруза, мунозара, биргаликда ўқиши, тезкор сўров
Ўқитиши воситалари	маърузалар матни, компьютер технологиялари, маркер, кодоскоп, слайдлар
Ўқитиши шакли	фронтал, жамоавий
Ўқитиши шарт-шароитлари	техник воситалардан фойдаланишга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	оғзаки назорат: савол-жавоб шакли, ББ усули асосида тарқатма материаллар

## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолияти мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<p>1.1. Мавзуни номи, мақсади, ўқув курсидаги ўрнини белгилайди.</p> <p>1.2. Экранга мавзуни тузилмавий мантиқий чизмасини чиқаради (1-илова).</p> <p>1.3. Мавзу режаси билан таништиради (1-слайд).</p> <p>Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (2-слайд)</p>	<p>Маъруза машғулотининг мавзусини ўрганиб чиқадилар</p> <p>Танишиб чиқадилар</p>
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Тезкор-сўров техникасидан фойдаланиб, ўтилган мавзу эслатилади ва талабалар фаоллаштирилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Моддий нуқта нима?</li> <li>• Механик ҳаракатни кинематик катталикларни қайси физик катталиклар ташкил этадилар?</li> <li>• Механик ҳаракатни динамик катталиларни нималар ташкил этадилар?</li> <li>• Ҳаракат тенгламаси нима?</li> </ul> <p>2.2. Мавзуни асосий назарий жиҳатларни тушунтириб беради.</p> <p>Маъруза давомида фокусловчи назорат саволлар беради. Маъruzанинг режасини ҳар бир банди бўйича хulosалар қиласди.</p>	<p>Савол-жавобга фаол қатнашадилар</p> <p>Эшишишади, ёзишишади</p> <p>Саволлар жавоб берадилар</p>
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Мавзу бўйича якунловчи хulosा қиласди.</p> <p>3.2. Мавзу бўйича хulosаларни ёзиш вазифасини беради.</p> <p>3.3. Мустақил ишлаш учун вазифа беради</p>	<p>Саволлар берадилар</p> <p>Мустақил иш мавзусини ёзиб оладилар</p>
	Мухокамага фаол қатнашган талабаларни рағбатлантиради, баҳолайди	

## Мавзунинг тузилмавий мантикий чизмаси



## Маъруза режаси

1. Абсолют қаттиқ жисм. Қаттиқ жисм ҳаракатининг турлари
2. Илгариланма ва айланма ҳаракатлар кинематикаси
3. Айланма ҳаракат динамикасининг асосий тенгламаси
4. Ҳаракатланаётган қаттиқ жисм энергияси

### **Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари**

86-100 % 2 балл «аъло»

71-85 % 1,7 балл «яхши»

55-70 % 1,4 балл «қониқарли»

#### Баҳолаш мезонлари

Ф.И.Ш.	Баҳо	Мезонлар			
		Билим	Фоллик	Таклифлар	Жами балл
	Баллар	0,8	0,6	0,6	2
	%	40	30	30	100

#### 1-гурухга топширик


### **Эксперт варағи №1**

1. Қаттиқ жисмни илгариланма ҳаракати деб нимага айтилади?
2. Илгариланма ҳаракатни турлари ва кинематик катталикларини қайси физик катталиклар ташкил этади?
3. Амалиётда қайси мақсадда илгариланма ҳаракатни катталикларидан фойдаланиш мумкин?

#### 2-гурухга топширик


### **Эксперт варағи №4**

1. Қаттиқ жисмни айланма ҳаракатини турлари түғрисида маълумот беринг, ҳаракат тенгламаларини тушунтириб беринг.
2. Амалиётда қайси мақсадда қаттиқ жисмни айланма ҳаракатидан фойдаланиш мумкин?
3. Ҳаракатланаётган жисм қандай энергияга эга?




1-Расм. Қаттиқ жисмни илгарылғанма ҳаракати

6-слайд



2-Расм. Қаттиқ жисмни айланма ҳаракати

7-слайд



1)

2)

3)

4)

5)

3-Расм. Айрим қаттиқ жисмларни турлари

### 3-илова (3.3)



### ББ жадвали

Биламан	Билишни ҳоҳлайман	Билдим
1	2	3

### 4-илова (3.4)

#### ББ усули асосида тарқатма материаллар

		Биламан «+» Билмайман «-»	Билдим «+» Билаолмадим «-»
1.	Абсолют қаттиқ жисм		
2.	Модель		
3.	Деформация ҳодисаси		
4.	Табиатдаги қаттиқ жисмлар		
5.	Илгариланма ҳаракат		
6.	Қаттиқ жисм кинематикаси		
7.	Айланма ҳаракатни амалий аҳамияти		
8.	Инерция моменти		
9.	Айланма ҳаракатни динамикаси		

### 3.2. Амалий машғулотни ўқитиши технологияси

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 25
Машғулот шакли	Масалаларни ечишга асосланган амалий машғулот
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> <li>Қаттиқ жисм ҳаракатлари ва уларнинг турлари.</li> <li>Илгариланма ҳаракатни кинематикаси.</li> <li>Айланма ҳаракатни динамикаси.</li> </ol>
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> назария асосида олинган билимларни чуқурлаштириш ва амалиётда улардан фойдаланишини ўрганиш</p>	
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>масалани ечиш шартларини ифодалашга ёрдам бериш;</li> <li>билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам бериш;</li> <li>мустақил ишлаш қобилияtlарини ўстириш</li> <li>мантиқий хулоса қилишга кўмак бериш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>мавзу бўйича масалани ечиш шартлари ва қоидалари ҳакида билимларга эга бўлади;</li> <li>мавзу бўйича олинган назарий билимларни кенглашади ва амалий билимларга эга бўлади;</li> <li>мустақил ишлаш қобилиятини кенгайтиради</li> </ul>
Ўқитиши услулари	Амалий ишлаш усули, кичик гурӯхларда ишлаш
Ўқитиши воситалари	лекциялар курси, услугубий кўрсатма, доска
Ўқитиши шакли	Гурӯҳда ва индивидуал шакли
Ўқитиши шарт-шароитлари	техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	оғзаки назорат: савол-жавоб шакли, масалаларни ечиш

#### Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<ol style="list-style-type: none"> <li>Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва режасини маълум қиласди.</li> <li>Талабаларни фаоллаштириш учун савол-жавоб ўтказилади</li> <li>Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини мезонлари билан таништиради (1-илова)</li> </ol>	<p>Эшитади, ёзишади</p> <p>Эшитади</p>

2-босқич Асосий (60 минут)	2.1. Талабаларни билимларни аниклаш ва фаоллаштириш мақсадида савол-жавоб үтказилади 2.2. Талаба мустақил рациональдегі масалани ешишини эълон қиласы	Эшитади Ёзишади
3-босқич Якуний (10-минут)	3.1. Мавзуу бўйича қисқа хulosалар қиласы, якун ясайди, талабаларни билимини баҳолайди 3.2. Мустақил ишлаш учун масалалар беради	Эшитишади. Ёзишади

1-илова

### Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари

86-100 % 2 балл «аъло»

71-85 % 1,7 балл «яхши»

55-70 % 1,4 балл «қониқарли»

### Баҳолаш мезонлари

Ф.И.Ш.	Баҳо	Мезонлар			
		Билим	Фоллик	Таклифлар	Жами балл
	Баллар	0,8	0,6	0,6	2
	%	40	30	30	100

2-илова


### Кичик гурӯҳларда ишлаш қоидаси

1. Талабалар ишни бажариш учун зарур бўлган билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гурӯҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гурӯҳ олдига қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гурӯҳдаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тайзиқса учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гурӯҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.


**«Тезкор-сўров» саволлари**

1. Абсолют қаттиқ жисм қандай маънога эга ва қандай вазифани бажаради?
2. Қаттиқ жисмни илгариланма ҳаракатини характерлайдиган катталиклари нима?
3. Илагирланма ҳаракатни турлари ва улардан амалиётда қайси мақсадда фойдаланиш мумкин?
4. Айланма ҳаракат тенгламаси нима?
5. Системани тўлиқ энергиясини қандай тушунтириб ва ифодалаб бериш мумкин?

**«Нима учун» техникасини схемаси**



**«Нима учун?» техникаси**



## 4-мавзу. Механик тебранишлар

### **4.1. Маъруза машғулотининг ўқитиши технологияси**

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-70 гача
Машғулот шакли	Тематик маъруза
Маъруза режаси:	1. Тебранма ҳаракат ҳақида маълумотлар 2. Механик тебранишлар ва уларнинг турлари 3. Гармоник тебранма ҳаракати 4. Резананс ҳодисаси ва унинг амалий аҳамияти

**Ўқув машғулотининг мақсади:** табиат ва техникада, планетамиз ҳаётида кўп тарқалган такрорланувчи жараёнлар, уларни ўрганишда ўз хиссаларини қўшган Шарқ олимлари ҳақида билим бериш.

<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• тебранишлар ва уларни табиати ҳақида умумий тушунча бериш;</li> <li>• мавзуни фан ва техникада тутган ўрни билан таништириш;</li> <li>• тебранишлар физикаси ҳақида тушунча бериш;</li> <li>• резананс ҳодисаси, ҳодисани ижобий ва салбий томонлари ҳақида маълумотлар бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзуни мақсади, вазифалари, ўқув жараёнида тутган ўрнини ёритиб беради;</li> <li>• мавзуни таркибий структурасини тушунтиради;</li> <li>• механик тебранишлари тадқиқот услубларини кўрсатиб, мазмунини ёритади;</li> <li>• тебраниш физикаси асосида вужудга келган соҳалар ва уларни амалиётда тутган ўрнини ёритиб беради.</li> </ul>
--	---

Ўқитиши усуслари	Маъруза, савол-жавоб, топшириқлар, амалий ишлаш усули, ақлий хужум усули
Ўқитиши воситалари	Лекциялар курси, доска, кодоскоп, слайдлар, тарқатма материаллар
Ўқитиши шакли	фронтал, жамоавий
Ўқитиши шарт-шароитлари	техник воситалардан фойдаланишга ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	оғзаки назорат: савол-жавоб шакли, назорат саволлари

## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолияти мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<p>1.1. Мавзуни номи, мақсади, ўқув машғулотининг натижалари эълон қилинади. Экранга мавзуни тузилмавий мантиқий чизмасини чиқаради (1-илова).</p> <p>1.2. Мавзу режаси билан танишитиради (1-слайд).</p> <p>Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари билан танишитиради (2-слайд)</p>	Танишиб чиқадилар
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Power point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларни тушунтириб беради (2-илова)</p> <p>2.2. Мавзунинг мазмунини, моҳиятини шакллантириш ва такомиллаштириш учун умумий тушунча беради (3-слайд)</p> <p>2.3. Фаоллаштириш мақсадида талабаларни 3 гурӯхга бўлиб, топшириқлар берилади ва шу асосда эссе ёзиш топширилади (5-слайд)</p>	<p>Ёзib оладилар</p> <p>«Дельфи» техникаси асосида ўз жавобларини формат қофозга ёзадилар, муҳокама қиласидилар ва ўз мулоҳазаларини ҳимоя қилиш учун презентация қиласидилар</p>
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Мавзуни умумлаштириб хulosा қиласиди, фаол қатнашган талабалар фаолиятини таҳлил қиласиди.</p> <p>3.3. Мустақил ишлаш учун вазифа беради</p>	<p>Саволлар берадилар</p> <p>ёзib оладилар</p>

1-слайд

### Мавзу режаси

1. Тебранма ҳаракат ҳақида маълумотлар
2. Механик тебранишлар ва уларнинг турлари
3. Гармоник тебранма ҳаракати
4. Резанонс ҳодисаси ва унинг амалий аҳамияти

## Мавзунинг тузилмавий мантикий чизмаси



### Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари


86-100 % 2 балл «аъло»

71-85 % 1,7 балл «яхши»


55-70 % 1,4 балл «қониқарли»

### Баҳолаш мезонлари

Ф.И.Ш.	Баҳо	Мезонлар			
		Билим	Фоллик	Таклифлар	Жами балл
	Баллар	0,8	0,6	0,6	2
	%	40	30	30	100



1-Расм. Гармоник тебранишда силжиш ( $x$ ), тезлик ( $v$ ) ва тезланиш ( $a$ )



2-Расм. Сўнувчи тебранишлар

1-гурұхға топшириқ

**Эксперт варағи №1**

1. Тебранма ҳаракат деб нимага айтилади?
2. «Гармоник тебранишлар» мавзусида әссе ёзинг.

2-гурұхға топшириқ

**Эксперт варағи №2**


1. Физикавий табиати асосида тебранишлар қандай бўлади?
2. Куйидаги саволга «Ушбу мавзу бўйича сиз нимани биласиз?» ва «Нимани билишни ҳоҳлайсиз» БББ жадвали асосида жавоб ёзинг.

3-гурұхға топшириқ

**Эксперт варағи №3**

1. Қайси усул ёрдамида сўнмайдиган тебранишларни ҳосил қилиш мумкин?
2. Энергиянинг сақланиш қонуни асосида гармоник тебранаётган системани түлиқ энергиясини таърифи ва формуласини ёзинг.

### Дельфи техникаси



### Дельфи техникаси Фикрларнинг баҳолар йифиндиси жавдали

Гурух	Муқобил ғоялар								
	1-гурух			2-гурух			3-гурух		
	Д	М	К	Д	М	К	Д	М	К
Кўпайтма йифиндиси									

Д – даражали баҳо


М – муқобил баҳо

К – кўпайтма

1 – энг юқори балл

10 – энг паст балл

#### 4-илова (4.4)



#### БББ жадвали

Биламан	Билишни ҳоҳлайман	Билдим
1	2	3

#### 5-илова (4.5)

##### БББ усули асосида тарқатма материаллар

№	Тушунча	Биламан «+» Билмайман «-»	Билдим «+» Билаолмадим «-»
1.	Тебранишлар		
2.	Тебранма ҳаракатни физикавий табиати		
3.	Тебранишларни кинематик катталиклари		
4.	Эркин тебранишлар		
5.	Сўнувчи тебранишлар		
6.	Мажбурий тебранишлар		
7.	Сўниш коэффициенти		
8.	Сўнишнинг логарифм декременти		
9.	Автотебранишлар		
10.	Резонанс ҳодисаси ва техника		
11.	Резонансни салбий оқибатлари		

## **5-мавзу. Механик түлқинлар. Товуш түлқинлари**

### **5.1. Маъруза машғулотининг таълим технологияси**

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-70 гача
Машғулот шакли	Тематик маъруза
Маъруза режаси:	<p>1. Механик түлқинлар. Тебранишларнинг эластик мұхитда тарқалиши.</p> <p>2. Түлқиннинг характеристикаси. Түлқин тенгламаси.</p> <p>3. Товушнинг табиати. Товуш тезлиги.</p> <p>4. Акустик резонанс ва унинг құлланилиши</p> <p>5. Ультратовуш ва инфратовушларнинг сервис соҳаларида құлланилиши</p>

*Үқув машғулотининг мақсади:* механик түлқинлар ва уларнинг физик табиати ҳақида билимлар беріш. Товуш табиати, ультратовушлар ва инфратовушларнинг амалий аҳамияти ва құлланилиши ҳақида билимларни шакллантириш

<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• түлқинлар ва уларни табиати ҳақида умумий түшунча беріш;</li> <li>• мавзуни фан, техника ва амалиётта тутган ўрни;</li> <li>• акустика ҳақида түшунча беріш.</li> </ul>	<p><b>Үқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзуни мақсади, вазифалари, үқув жараёнида тутган ўрнини ёритиб беради;</li> <li>• мавзуни таркибий структурасини түшунтиради;</li> <li>• механик түлқинларни интерференция, дифракция ҳодисаларини ёритиб беради;</li> <li>• акустикани асосий тармоқларини күрсатиб, мазмунини ёритиб беради.</li> </ul>
---	--

Үқитиш усуллари	Маъруза, намойиш этиш, савол-жавоб, ақлий ҳужум усули
Үқитиш воситалари	Лекциялар курси, доска, кодоскоп, слайдлар, тарқатма материаллар
Үқитиш шакли	фронтал, жамоавий
Үқитиш шарт-шароитлари	техник воситалардан фойдаланишга ва гурухларда ишлашга мүлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	оғзаки назорат: савол-жавоб шакли, «Механик түлқинлар»га Кластер тузинг


## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолияти мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<p>1.1. Мавзуни номини айтади. Экранга мавзуни тузилмавий мантикий чизмасини чиқаради (1-илова).</p> <p>1.2. Мавзунинг мақсади ва ўкув фаолияти натижаларини айтиб беради</p> <p>1.3. Талабаларнинг билимларини жонлантириш учун саволлар беради (2-илова)</p>	<p>Эшиладилар</p> <p>Ёзиб оладилар</p> <p>Саволларга жавоб беришади</p>
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларни тушунтириб беради</p> <p>2.2. Маъруза жараёнида фокусловчи назорат саволлар беради.</p> <p>2.3. Мавзунинг режасини ҳар бир саволи бўйича хуносалар қиласди</p>	<p>Томоша қилишади, ёзишади</p> <p>Саволларга жавоб беришади ёзишади</p>
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Мавзу бўйича якунловчи хуносагилади, иш натижаларини изоҳлаб беради.</p> <p>3.2. «Кластер» технологиясини тушунтиради (3-илова) Мустақил ишлаш учун вазифа беради.</p>	<p>Саволлар берадилар</p> <p>ёзиб оладилар мустақил ишлаш учун «кластер» технологиясини ёзиб оладилар</p>

1-илова (5.1)

### **Мавзунинг тузилмавиý мантиций чизмаси**





1-Расм. Механик түлқин графиги

2-илова (5.2)

**Жонлантириш учун саволлар:**

1. Түлқин түшүнчеси нимани билдиради?
2. Нима асосида түлқинлар иккى хил бўлади?
3. Түлқин узунлиги нима ва у графикда қандай белгиланган?
4. Кўндаланг түлқин нима ва у қандай мухитда тарқалади?
5. Товуш нима ва уни қайси характеристика орқали ифодалаш мумкин?
6. Сервис соҳаларида қайси мақсадда ультратовуш ва инфратовушлардан фойдаланиш мумкин?

**1-гурухга топшириқ****Эксперт варағи №1**


1. Түлқинлар нима асосида вужудга келган?
2. Түлқинни график тасвирини қандай ифодалаш мумкин?
3. Түлқин тенгламаси нимани ифодалайди?

**2-гурухга топшириқ****Эксперт варағи №2**

1. Акустика нима ва у қандай тармоқлардан иборат?
2. Товушни объектив характеристикалари ва уларни амалий аҳамияти нимада?
3. Товушни субъектив характеристикалари нима ва улардан қаерда фойдаланиладилар?
4. Ультра- ва инфратовушлар тирик организмларга қандай таъсир кўрсатадилар?

3-илова (5.3)

### Кластер түзиш



4-илова (5.4)

### Кластер түзиш қоидалари

1. Топшириқни диққат билан ўқиб чиқинг.
2. Фикрларни тармоқлантириш жараёнида пайдо бўлган ҳар бир фикрни ёзинг.
3. Имло хатолар ва бошқа жиҳатларга эътибор беринг.
4. Белгиланган вақт тугамагунча ёзишни тўхтатманг, фикрингизни жамлашга ҳаракат қилинг.
5. Фикрларни чегараламанг, улар ўртасида ўзаро алоқадорлигига эътибор қаратинг.

## 5.2. Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 25
Машғулот шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилған амалий машғулот
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Механик тебранишларнинг турлари ва характеристикалари</li> <li>2. Механик тўлқинларнинг турлари ва характеристикалари</li> <li>3. Товуш ва унинг характеристикалари</li> </ol>
<p style="text-align: center;"><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> мавзуу бўйича билимларни чуғурлаштиришни таъминлаш</p>	
<p style="text-align: center;"><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзуни мустақил ўрганиш малакаларини шакллантириш;</li> <li>• мавзуу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам бериш;</li> <li>• кичик груптарда ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини шакллантириш;</li> <li>• ўз нуқтаи назарга эга бўлиш, мустақил ишлаш қобилиятларини ўстириш;</li> <li>• мантиқий холоса чиқаришга кўмак бериш.</li> </ul>	<p style="text-align: center;"><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзуу бўйича амалий билимларга эга бўлади;</li> <li>• назариядан амалиётда фойдаланиш қобилиятига эга бўлади;</li> <li>• груп билан ҳамкорликда ишлаш ҳақида маълумотларга эга бўлади;</li> <li>• мустақил ишлаш ва ўз нуқтаи назарга эга бўлади;</li> <li>• холоса чиқаришга эга бўлади.</li> </ul>
Ўқитиш усуллари	Масалаларни ечиш усули, баҳс-мунозара, кичик груптарда ишлаш
Ўқитиш воситалари	Лекциялар курси, услубий кўрсатма, доска, қоғозлар
Ўқитиш шакли	Груптарда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган ва груптарда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб шакли. Мустақил иш топшириклари

## Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	1.1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади, муҳокама учун саволлар, кўзланаётган натижалар ва машғулотни олиб бориш хусусиятларини маълум қиласди. 1.2. Гуруҳларда ишлаш қоидаси билан таништиради (1-илова). 1.3. Талабаларни билимини жонлантириш учун жалб этувчи саволлар беради (2-илова)	Эшигади   Саволларга жавоб беради
2-босқич Асосий (60 минут)	2.1. Доскани олдида жавоб берадиган талаба ишини назорат қиласди. 2.2. Масалани ечиш бўйича аниқ кўрсатмалар беради, очик саволлар беради. 2.3. Гуруҳ ишини назорат қиласди. 2.4. Графикда масштаб кўрсатилишини талаб қиласди	Масалани ечади   Саволларга жавоб беришади   Масала устида ишлайди, чизади
3-босқич Якуний (10-минут)	3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рафбатлантиради (3-илова). 3.2. Талабалар эркин мустақил фикр доирасини кенгайтириш ва такомиллаштириш учун мустақил ишлар мавзулари билан таништиради (4-илова). 3.3. Мустақил ишлаш учун масалалар беради	Эшишади., аниқлайди   Ёзib олишади   Ёзib олишади

1-илова

### **Кичик гуруҳларда ишлаш қоидаси**

1. Талабалар ишни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдида қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тайзиққа учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

2-илова

### Талабаларни билимларини жонлантириш учун саволлар

1. Берилган масалани шарти назарияни қайси мавзууда мос келади?
2. Масалани шартини расм ёки график орқали ифодалаш керак-ми?
3. Тебранма ҳаракатни кинематик катталикларини қайси физик катталиклар ифодалайдилар?
4. Гармоник тебранишларни тезлигини қайси формулалар билан ифодалаш мумкин? Формулани таҳлили.
5. Механик тўлқин характеристикалари орасидаги боғланишни қандай ифодалаш мумкин?
6. Ечилган масала бўйича қандай хулоса қилиш мумкин? Хулоса амалий ҳарактерга эга бўлиши керак.

3-илова

### Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари

86-100 % 2 балл «аъло»

71-85 % 1,7 балл «яхши»

55-70 % 1,4 балл «қониқарли»

### Баҳолаш мезонлари

Ф.И.Ш.	Баҳо	Мезонлар			
		Билим	Фоллик	Таклифлар	Жами балл
	Баллар	0,8	0,6	0,6	2
	%	40	30	30	100

4-илова

### Мустақил ишлар мавзулари

1. Резонанс ҳодисаси. Ҳодисани амалий аҳамияти ва салбий оқибатлари.
2. Автотебранишлар ва уларни амалий аҳамияти
3. Механик тўлқинлар, техника ва табиий ҳодисаларда тўлқинларни муҳимлиги
4. Товушнинг табиати, характеристикалари, интенсивлиги, амалий муҳимлиги
5. Ультра- ва инфратовушлардан сервис соҳасида фойдаланиш усуллари, йўлларини ўрганиш.

## **6-мавзу. Газлар молекуляр-кинетик назариясининг асослари**

### **6.1. Маъруза машғулотининг ўқитиши технологияси**

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-70 гача
Машғулот шакли	Тематик маъруза
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Молекуляр физика. Макроскопик ҳолат ва параметрлар.</li> <li>2. Молекуляр-кинетик назариясини асосий ҳолатлари ва тенгламалари</li> <li>3. Идеал газ. Идеал газ қонунлари. Идеал газни ҳолат тенгламаси</li> <li>4. Эҳтимоллик ва флуктуация</li> <li>5. Максвелл тақсимоти</li> </ol>

*Ўқув машғулотининг мақсади:* молекуляр физика ва унинг вазифаси ҳақида маълумотлар бериш. Иссиқлик ҳодисаларни қонунларини, бу ҳодисалардан амалда, техникада фойдаланилиши ҳақида билимларни шакллантириш.

<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• молекуляр физика ва унинг усуллари ҳақида тушунча бериш;</li> <li>• молекуляр-кинетик назария, идеал газ ҳақида маълумотлар бериш;</li> <li>• эҳтимоллик, флуктуация, Максвелл қонуни ҳақида тушунча бериш;</li> <li>• мавзуни фан, техника ва амалиётда тутган ўрни билан таништириш.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзуни мақсади, вазифалари, ўқув жараёнида тутган ўрнини ёритиб беради;</li> <li>• мавзуни таркибий структурасини тушунтиради;</li> <li>• идеал газ қонунлари ва уларни графиклари, ҳолат тенгламасини ёритиб беради;</li> <li>• эҳтимоллик ва флуктуацияни мазмунини тушунтириб беради;</li> <li>• Максвелл тақсимотини ёритиб беради.</li> </ul>
---	--

Ўқитиши усуллари	Маъруза, савол-жавоб, тақдимот, ақлий хужум
Ўқитиши воситалари	Лекциялар курси, кодоскоп, график органайзерлар
Ўқитиши шакли	фронтал, жамоавий
Ўқитиши шарт-шароитлари	техник воситалардан фойдаланишга ва гурӯхларда ишлашга мўлжалланган аудитория, лаборатория хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	оғзаки назорат: савол-жавоб шакли, назорат саволлари, Кластер тузиш

## Маъруза машғулотининг технологик харитаси


Фаолият босқичлари	Фаолияти мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<p>1.1. Мавзуни номини, мақсади эълон қилинади. Экранга мавзуни тузилмавий мантиқий чизмасини чиқаради (1-илова).</p> <p>1.2. Мавзу режаси билан таништиради (1-слайд).</p> <p>Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (2-слайд)</p>	Танишиб чиқадилар
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларни тушунтириб беради (2-илова)</p> <p>2.2. Мавзунинг мазмунини, моҳиятини шакллантириш ва такомиллаштириш учун умумий тушунча беради (3-слайд).</p> <p>2.3. Фаоллаштириш мақсадида ва шу асосида Кластер тузишни топширилади (3-илова)</p>	<p>Томоша қилишади, ёзишади</p> <p>Эшитишадилар, ёзишади</p> <p>ёзишади</p>
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Мавзуни умумлаштириб хulosा қиласи, фаол қатнашган талабалар фаолиятини таҳлил қиласи..</p> <p>3.2. Мустақил ишлаш учун вазифа беради (4-слайд).</p>	<p>Саволлар беришади</p> <p>Ёзишади</p>


1-слайд

### Мавзу режаси


1. Молекуляр физика. Макроскопик ҳолат ва параметрлар.
2. Молекуляр-кинетик назариясини асосий ҳолатлари ва тенгламалари
3. Идеал газ. Идеал газ қонунлари. Идеал газни ҳолат тенгламаси
4. Эҳтимоллик ва флуктуация
5. Максвелл тақсимоти

## Мавзунинг тузилмавий мантикий чизмаси






1-Расм. Изотермик жараёни




2-Расм. Изобарик жараёни




3-Расм. Изохорик жараёни

3-слайд




4-Расм. Газни бошланғич ҳолатдан охирги ҳолатга ўтиши



5-Расм. Максвелл тақсимоти

Кластер түзиш



4-слайд

**Мустақил ишлар мавзулари**

1. Модданинг тузилиши ҳақида умумилмий маълумотлар.
2. Термодинамик ва статистик усуллар.
3. Идеал газнинг кинетик назариясининг асосий тенгламаси.
4. Газларда кўчиш ҳодисалари.
5. Технологик жараёнларда кўчиш ҳодисаларни роли

5-слайд

**Назорат саволлари**

1. Молекуляр-кинетик назариясининг асосий қонун-қоидалари нималардан иборат?
2. Ҳозирги замон фанида жисмларнинг физик хоссаларини ўрганишда қандай усуллардан фойдаланиш мумкин?
3. Ҳолат тенгламаси деб нимага айтилади?
4. Универсал газ доимиjsининг физик мазмунини энергетик нуқтаи-назаридан қандай тушунтира олиш мумкин?
5. Флуатация нима?

## 6.2. Амалий машғулотни ўқитиши технологияси

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 20
Машғулот шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилған амалий машғулот
Маъруза режаси:	1. Идеал газ қонунлари ва ҳолат тенгламаси. 2. Газ молекулаларини тезликлари. 3. Күчиш ҳодисалари
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> мавзу бўйича билимларни чуғурлаштиришни таъминлаш	
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзу бўйича билимларни ўзлаштириш ва кенгайтиришга мотивация яратиш;</li> <li>• мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлашга ёрдам бериш;</li> <li>• ўз нуқтаи назарга эга бўлиш, мустақил ишлаш қобилияtlарини ўстириш;</li> <li>• мантиқий холоса чиқаришга кўмак бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзу бўйича назарий-амалий билимларга эга бўлади;</li> <li>• назариядан амалиётда фойдаланиш кўникмаларга эга бўлади;</li> <li>• гурух билан ҳамкорликда ишлаш ҳақида маълумотларга эга бўлади;</li> <li>• мустақил ишлаш, фикрлаш ва ўз нуқтаи назарга эга бўлади;</li> <li>• холоса чиқариш кўникмаларга эга бўлади.</li> </ul>
Ўқитиши усуллари	Масалаларни ечиш усули, баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш
Ўқитиши воситалари	Лекциялар курси, услубий кўрсатма, доска, қоғозлар, компьютер технологиялари
Ўқитиши шакли	Гуруҳларда ишлаш
Ўқитиши шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория, лаборатория хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб шакли, рейтинг тизими асосида баҳолаш

## Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<p>1.1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади, маълумотни олиб бориш хусусиятларини маълум қиласди. Таълим жараёнини кичик гурӯхларда ишлаш орқали амалга оширишини эълон қиласди (1-илова).</p> <p>1.2. Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (2-илова).</p>	Эшитадилар  Эшитадилар
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Якка жавоб берадиган талаба ишини назорат қиласди;</p> <p>2.2. Масалани ечиш бўйича аниқ кўрсатмалар беради, очик саволлар беради;</p> <p>2.3. Гуруҳ ишини назорат қиласди;</p> <p>2.4. Масалани жавобини SI системасида ечишини талаб қиласди.</p>	Масалани ечади  Саволларга жавоб беришади  Масала устида ишлайди  Бажаришади
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рафбатлантиради (3-илова).</p> <p>3.2. Талабалар эркин мустақил фикр доирасини кенгайтириш ва такомиллаштириш учун мустақил ишлар мавзулари билан таништиради (4-илова).</p> <p>3.3. Мустақил ишлаш учун масалалар беради</p>	Эшишиади., аниқлайди  Ёзишади  Ёзишади

1-илова

### **Кичик гурӯхларда ишлаш қоидаси**

1. Талабалар ишни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдида қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вакт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тайзиққа учрамаслиги хақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

2-илова

### Талабаларни билимларини жонлантириш учун саволлар

1. Назарияда идеал газ қандай вазифани бажаради?
2. Услубий усул асосида масалани ечишини нимадан бошлаш керак?
3. Холат параметрларни қайси физик катталиклар ташкил этадилар?
4. 1 мм.сім.уст. қанча паскалга teng?
5.  $v_{\text{кв}} > \bar{v} > v_0$  - ифода қандай маңнога эта?
6. Ечилған масала бүйича қандай хулоса қилиш мүмкін?

3-илова

### Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари

86-100 % 2 балл «аъло»

71-85 % 1,7 балл «яхши»

55-70 % 1,4 балл «қониқарли»

### Баҳолаш мезонлари

Ф.И.Ш.	Баҳо	Мезонлар			
		Билим	Фоллик	Таклифлар	Жами балл
	Баллар	0,8	0,6	0,6	2
	%	40	30	30	100

4-илова

### Мустақил ишлар мавзулари

1. Молекуляр физика вазифаси нимадан иборат?
2. Атом ва молекулаларни иссиқлик ҳаракатлари билан қайси иссиқлик ҳодисалари, жараёнлари боғлиқ?
3. Изожараёнлардан қайси мақсадда фойдаланиш мүмкін?
4. Табиатда, тирик организмда, технологик жараёнларда диффузия ҳодисаси қандай роль үйнайды?


## 7-мавзу. Термодинамика асослари

<b>7.1. Маъруза машғулотининг ўқитиши технологияси</b>	
Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-70 гача
Машғулот шакли	Тематик маъруза
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Системанинг тўла ва ички энергияси</li> <li>2. Термодинамикани биринчи қонуни ва унинг татбиқи</li> <li>3. Айланма жараёнлар. Иssiқлик машинаси</li> <li>4. Энтропия. Термодинамикани иккинчи қонуни</li> <li>5. Нернст теоремаси. Термодинамиканинг учинчи қонуни</li> </ol>
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> иссиқлик назариясини, иссиқлик ҳодисалари назариясининг асосини ташкил этадиган термодинамиканинг қонунлари, цикллар ҳақидаги билимларни шакллантириш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Термодинамика, термодинамик жараён, термодинамик система, жисмнинг ички энергияси ҳақида тушунча берилади;</li> <li>• Термодинамик системани ички энергияси ўзартириш усулларини тушунтириш;</li> <li>• Айланма жараёнлар, иссиқлик машина ҳақида маълумот берилади;</li> <li>• Дарс жараёнида термодинамика асослари ҳақида умумий маълумот берилади.</li> </ul>	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзуни мақсади, вазифалари, ўкув жараёнида тутган ўрнини ўрганади;</li> <li>• системанинг ички энергиясини ўзгартириш усулларни ўрганади;</li> <li>• термодинамиканинг I қонунини ва унинг татбиқини ўрганади;</li> <li>• айланма жараёнлари ва уларнинг амалий аҳамиятини ўрганади;</li> <li>• Нернст теоремасини ўрганади.</li> </ul>
Ўқитиши усуллари	Маъруза, «Дельфи» техникаси, савол-жавоб, график органайзер
Ўқитиши воситалари	Лекциялар курси, компьютер технологиялари, кодоскоп
Ўқитиши шакли	фронтал, жамоавий
Ўқитиши шарт-шароитлари	техник воситалардан фойдаланишга ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория, лаборатория хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	оғзаки назорат: савол-жавоб шакли. Мавзу бўйича ББ жадвалини тўлдириш


## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолияти мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<p>1.1. Экранга мавзуни тузилмавий мантиқий чизмасини чиқаради (1-илова), бугунги мавзунинг ўқув курсидаги ўрнини белгилайди.</p> <p>1.2. Олдинги машғулот ҳақидаги натижаларини эслатади.</p> <p>1.3. Ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолиятининг натижаларини айтади.</p>	Эшитадилар, ўрганадилар, ёзиб оладилар
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Тезкор-сўров техникасидан фойдаланиб, ўтилган мавзу эслатилади ва талабалар фаоллаштирилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- жисмларнинг физик ҳолатини қайси усуллар ўрганадилар?</li> <li>- термодинамик усул табиатни қайси қонунига асосланган?</li> <li>- молекуляр нуқтаи назардан термодинамика, шунингдек, макроскопик физиканинг ихтиёрий бошқа бўлимида – босим, зичлик, температура қандай маънога эга?</li> <li>- макроскопик системанинг табиатини бошқарувчи статистик ёки эҳтимоллик қонунларини асосини нима ташкил этади?</li> <li>- талабаларга мустақил ишлаш учун тезкор-сўров ўtkазилади (4-слайд).</li> </ul> <p>2.2. Мавзунинг мазмунини, моҳиятини шакллантириш ва такомиллаштириш учун умумий тушунча беради (5-слайд).</p> <p>2.3. Фаоллаштириш мақсадида талабаларни 2 гурӯхга бўлиб, юқоридагилар асосида топшириклар берилади ва шу асосида эссе ёзиш топширилади (6-слайд). «Дельфи» техникаси асосида амалга оширилади (7-слайд)</p> <p>2.4. Якуний хulosса қилишга талабаларни йўналтиради. Жавобларни шарҳлайди, аниқлик киритади, тўғрилайди.</p>	<p>Савол-жавобга фаол қатнашадилар</p> <p>Ёзиб оладилар</p> <p>Ёзиб оладилар</p> <p>Эшитадилар</p>
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Мавзуни умумлаштириб хulosса қиласи, фаол қатнашган талабалар фаолиятини таҳлил қиласи..</p> <p>3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради: ўтилган мавзу бўйича ББ жадвалини тўлдириб келиш (8-слайд).</p>	Эшитадилар

## Мавзунинг тузилмавий мантикий чизмаси




2-илова (7.2)  
1-слайд




1-Расм. Р-В диаграммада айланма жараёни

2-слайд



2-Расм. Карно цикли

3-слайд



3-Расм. Иссиқлик двигатели (машина)ни таркибий қисмлари

### Тезкор-сўров

- Термодинамика нимани ўрганади?
- Термодинамик жараён деб нимага айтилади?
- Термодинамик система нимадан ташкил топган?
- Жисмларни ичик энергияси нимани ифодалайди?
- Термодинамикани биринчи қонунини қайси жараёнлар учун қўллаш мумкин?

### Умумий тушунчалар

Айланма жараён – система қатор ҳолатларни ўтиш натижасида ўзининг дастлабки ҳолатига қайтадиган жараён.

Иссиқлик – материя ҳаракатини шакли; жисмлар ўртасидаги иссиқлик алмашиниш жараёнининг энергетик ифодаси.

Ички энергия – жисмнинг фақат ички ҳолатига боғлиқ бўлган энергия.

Карно цикли – навбатма-навбат ўзаро алмашиниб турувчи икки изотермик жараён ва икки адиабатик жараёндан иборат қайтар айланма иссиқлик жараёни.

Термодинамика (юонча *termo* – иссиқлик, *dynamics* - куч) – термодинамик мувозанат ҳолатида турган макроскопик тизимларнинг умумий хоссалари ва бу ҳолатлар орасидаги ўтиш жараёнлари тўғрисидаги фан.

Энтропия – (юонча *entropia* – айланиш, ўзгариш) – ҳар қандай термодинамик тизимнинг ҳолат функцияларидан бири.

## 1-гурухга топширик


**Эксперт варағи №1**

1. Термодинамикада энергияни сақланиш ва айланиш қонуни нимани ифодалайды?
2. Иссиқлик двигателлари нима асосида ҳар хил турларга бўлинади?

## 2-гурухга топширик

**Эксперт варағи №2**

1. Айланма жараёни ёки цикл қандай жараёнлардан ташкил топган (P-V диаграмма асосида)?
2. Ҳозирги кунда дунё олимлари, мухандис – конструкторлари олдида қандай муҳим вазифалар қўйилган?



**Дельфи техникаси**  
**Фикрларнинг баҳолар йиғиндиси жавдали**

Гурух	Муқобил ғоялар								
	1-гурух			2-гурух			3-гурух		
	Д	М	К	Д	М	К	Д	М	К
Кўпайтма йиғиндиси									

Д – даражали баҳо

М – муқобил баҳо

К – кўпайтма

1 – энг юқори балл

10 – энг паст балл

8-слайд



**ББ жадвали**

Биламан	Билишни ҳоҳлайман	Билдим
1	2	3

## 8-мавзу. Суюқликлар. Қаттиқ жисмлар

### **8.1. Маъруза машғулотининг ўқитиши технологияси**

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-70 гача
Машғулот шакли	Тематик маъруза
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Суюқликлар. Суюқликларнинг тузилиши ва асосий ҳоссалари.</li> <li>2. Суюқликлар ва қаттиқ жисм чегарасида рўй берадиган ҳодиса.</li> <li>3. Ҳўллаш ва ҳўлламаслик. Капиллярлик ҳодисаси ва унинг қўлланилиши.</li> <li>4. Кристалл ва аморф жисмлар.</li> <li>5. Суюқ кристаллар ва уларни амалий аҳамияти.</li> </ol>

*Ўқув машғулотининг мақсади:* суюқликлар тўғрисида чуқур билимлар бериш. Қаттиқ жисмларни тузилиши, жараёнлари ва амалий аҳамияти ҳақида талабаларни билимларини шакллантириш.

<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• молекуляр-кинетик назарияси асосида суюқликлар ҳақида тушунча бериш;</li> <li>• суюқликларни ҳўллаш ва ҳўлламаслиги, капиллярлик ҳодисаси тўғрисида маълумот бериш;</li> <li>• қаттиқ жисмларни тузилиши, турлари, жараёнлари ҳақида тушунча бериш;</li> <li>• дарс жараёнида мавзу ҳақида умумий маълумот бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзуни мақсади, вазифалари, ўқув жараёнида тутган ўрнини ёритиб беради;</li> <li>• суюқликдаги ички босими ва унинг таъисирини тушунтириб беради;</li> <li>• суюқлик ва қаттиқ жисм чегарасида рўй берадиган ҳодисани тушунтириб беради;</li> <li>• қаттиқ жисмни ички тузилиши ва бу асосида қаттиқ жисм турларини ёритиб беради;</li> <li>• қаттиқ жисм эга бўлган жараёнлар ва уларни амалий аҳамиятини тушунтириб беради.</li> </ul>
---	---

Ўқитиши усуллари	Маъруза, «Пинборд» техникаси, савол-жавоб, график органайзер
Ўқитиши воситалари	Лекциялар курси, компьютер технологиялари, кодоскоп
Ўқитиши шакли	фронтал, жамоавий
Ўқитиши шарт-шароитлари	техник воситалардан фойдаланишга ва гурӯхларда ишлашга мўлжалланган аудитория, лаборатория хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	оғзаки назорат: савол-жавоб шакли

## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолияти мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<p>1.1. Экранга мавзуни тузилмавий мантиқий чизмасини чиқаради (1-илова), умумий маълумот беради ва бугунги мавзуни ўқув курсидаги ўрнини белгилайди.</p> <p>1.2. Олдинги машғулот ҳақидаги натижаларини эслатади.</p> <p>1.3. Ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолиятининг натижаларини айтади.</p>	Эшитадилар, ёзиб оладилар
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий жиҳатларни тушунтириб беради (2-илова).</p> <p>2.2. Мавзунинг мазмунини, моҳиятини шакллантириш ва такомиллаштириш учун умумий тушунча беради (2-7 слайдлар).</p> <p>2.3. Фаоллаштириш мақсадида талабаларни 2 гурӯхга бўлиб, топшириклар беради ва шу асосда эссе ёзиш топширилади (9-слайд). «Пинборд» техникаси асосида «Замонавий муаммолар» саволга жавоб бериш (8-слайд)</p>	<p>Ёзиб оладилар</p> <p>Ёзиб оладилар</p> <p>Эшитадилар</p>
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Мавзуни умумлаштириб хulosса қиласи, фаол қатнашган талабалар фаолиятини таҳлил қиласи..</p> <p>3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради (9-слайд).</p>	Саволлар беришади

1-слайд


### Мавзу режаси

1. Суюқликлар. Суюқликларнинг тузилиши ва асосий ҳоссалари.
2. Суюқликлар ва қаттиқ жисм чегарасида рўй берадиган ҳодиса.
3. Хўллаш ва хўлламаслик. Капиллярлик ҳодисаси ва унинг кўлланилиши.
4. Кристалл ва аморф жисмлар.
5. Суюқ кристаллар ва уларни амалий аҳамияти.


## Мавзунинг тузилмавий мантикий чизмаси



2-илова (8.2)  
2-слайд




a)



б)


1-Расм. Суюқликни сирт таранглиги

3-слайд




2-Расм. Суюқликдаги қўшимча босим

4-слайд




3-Расм. Суюқлик ва қаттиқ жисм чегарасидаги ҳодисалар

5-слайд



4-Расм. Ош тузини кристалл панжараси

6-слайд




a)

б)

в)

5-Расм. Кристалл панжарани ячейкаларини шакли


7-слайд




6-Расм. Кристалл ва аморф жисмларни этиш жараёни.

## Пинборд техникаси


Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гурухлашни амалга ошириш (инглизчадан: *pin* – маҳкамлаш, *board* – доска) коллектив тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.



Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарларини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий хужумнинг бошланишини ташкил қиласи (рағбатлантиради).



Фикрларни таклиф қиласи, мухокама қиласи, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хulosавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қофозларда ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар



Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

1. Хато бўлган ёки тақрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
2. Бахсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
3. Фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;
4. Шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қофоз варақларидағи) гурухларга ажратадилар;
5. Уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: коллективнинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқиласи.

## Мустақил иш топшириқлари

1. Саноатда ва турмушда ҳўллаш ва ҳўлламаслик ҳодисасини аҳамияти.
2. Табиат ва техникада капиллярлик ҳодисасини аҳамияти.
3. Суюқ кристаллар ва уларнинг қўлланиш соҳалари

## 8.2. Амалий машғулотни ўқитиши технологияси

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 25
Машғулот шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилған амалий машғулот
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Суюқликнинг сирт таранглиги, қўшимча босими. Капиллярлик ҳодисаси</li> <li>2. Қаттиқ жисмни иссиқлик жараёнлари</li> <li>3. Қаттиқ жисмни механик жараёнлари</li> </ol>
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> мавзу бўйича назарий билимларни кенгайтириш ва амалий масалаларни ҳал қилишни таъминлаш.</p>	
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзу бўйича билимларни ўзлаштириш ва кенгайтиришга мотивация яратиш;</li> <li>• мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлашга шароит яратиш;</li> <li>• мустақил ишлаш қобилиятини ўстириш;</li> <li>• мантиқий хулоса чиқаришга кўмаклар бериш.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзу бўйича назарий-амалий билимларга эга бўлади;</li> <li>• назариядан амалиётда фойдаланиш кўникмаларга эга бўлади;</li> <li>• гуруҳ билан ҳамкорликда ишлаш ҳақида маълумотларга эга бўлади;</li> <li>• мустақил ишлаш, фикрлаш ва ўз нуқтаи назарга эга бўлади;</li> <li>• хулоса чиқариш кўникмаларга эга бўлади.</li> </ul>
Ўқитиши усуллари	Масалаларни ечиш усули, баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш
Ўқитиши воситалари	Лекциялар курси, услубий кўрсатма, доска, қоғозлар, компьютер технологиялари
Ўқитиши шакли	Гуруҳларда ишлаш
Ўқитиши шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория, лаборатория хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш

## Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<p>1.1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолиятининг натижаларини айтади</p> <p>1.2. Таълим жараёнини кичик гурухларда ишлаш орқали амалга оширишини эълон қиласди (1-илова).</p> <p>1.3. Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш билан таништиради (2-илова).</p>	<p>Эшитадилар</p> <p>Эшитадилар</p>
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Талабаларни фаоллаштириш мақсадида савол-жавоб ўтказилади;</p> <p>2.2. Талабаларга индивидуал равиша «Берилган аниқ масалани қандай ечиш мумкин» деган савонни Т-схема асосида ишлаб чиқишилари топширилади (4-илова). Т-схема технологияси қоидаси билан таништирилади (5-илова);</p> <p>2.3. Масалани ечиш бўйича аниқ кўрсатмалар беради, очик саволлар беради;</p> <p>2.4. Гуруҳ ишини назорат қиласди;</p>	<p>Фаол катнашадилар</p> <p>Т-схемани тўлдирадилар, тайёр ишларни топширадилар</p> <p>Талабалар масала устида ишлайди</p>
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил ишлаш учун масалалар беради</p>	<p>Эшитишади., аниқлашади</p> <p>Ёзишади</p>

### **Кичик гурухларда ишлаш қоидаси**

1. Талабалар ишни бажариш учун зарур билим ва малақаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гурухларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гурух олдида кўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гурухлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тайзиқча учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гурух натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

### **Гурухларда ишлашни баҳолаш**


Гурухлар	Жавобнинг тўлиқлиги (1,0)	Схемаларда берилганлиги (0,4)	Гурух иштирокчисининг фаоллиги (0,6)	Баллар	Баҳоси
1					
2					
3					

### **Талабаларни билимларини фаоллаштириш учун саволлар**

1. Темродинамикани фундаментал қонунлари деб нимага айтилади?
2. Қайси қонун энергияни сақланиш ва айланиш қонунига асосланган?
3. Амалиётда қўлланиладиган иситкич двигател (машина), совиткич машиналарни тежамлигини, самарадорлигини қайси катталик ифодалайди?
4. Суюқликни таранглик ҳолатини қайси катталиклар характерлайдилар?
5. Жюрен формуласидан қайси мақсадда фойдаланиш мумкин?
6. Қаттиқ жисмлар қандай кенгайишларга эга?
7. Қаттиқ жисмни механик хусусияти билан қайси жараён боғлиқ?

## 4-илова

### Т – схема техникаси



## 5-илова

### Т – схема жадвали

Берилган аниқ масалани қандай ечиш мумкин?	Аксинча-чи?

## **9-мавзу. Электр майдон вакуумда. Электр майдонида диэлектриклар**

<b>9.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси</b>	
Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-70 гача
Машғулот шакли	Тематик маъруза
Маъруза режаси:	1. Электр заряди. Электр майдон 2. Электр майдон таъсирига асосланган ва амалиётда қўлланадиган техника ва технологиялар ҳақида 3. Диэлектриклар. Кутбли ва қутбсиз молекулалар 4. Диэлектрикларнинг қутбланиши 5. Сегнетоэлектриклар. Пьезоэлектрик эффект
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> электростатика ва унинг мақсади. Электр майдон ва унинг ҳарактеристикалари. Сервис соҳаларида электр майдондан фойдаланиши ҳақида билим бериш. Диэлектрик моддаларни физик табиати, ҳарактеристикалари ва амалий аҳамиятлари тўғрисида билим бериш.	
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• электр зарядлар табиати, жисмларни электр хусусиятлари, электр майдон ҳақида маълумот бериш;</li> <li>• диэлектриклар, кутбли ва қутбсиз молекулалар, диэлектрикни ҳарактеристикалари ҳақида тушунча бериш;</li> <li>• сегнетоэлектриклар, пьезоэлектрик эффекти ҳақида маълумот бериш;</li> <li>• дарс жараёнида мавзу бўйича умумий маълумотлар бериш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзуни мақсади, вазифалари, ўқув жараёнида тутган ўрнини ёритиб беради;</li> <li>• электр зарядлар табиати, ўзаро таъсиrlари, электр майдон ва унинг ҳарактеристикалари ёритиб беради;</li> <li>• диэлектриклар, уларнинг асосий ҳарактеристикалари, қутбланиш жараёнини ёритиб беради;</li> <li>• техникада, амалиётда изоляторларни муҳим аҳамиятини ёритиб беради;</li> <li>• сегнетоэлектриклар, уларни хусусиятлари ҳақида, пьезоэлектрик эффектини қўлланиш соҳалари ҳақида умумий илмий маълумотлар беради.</li> </ul>
Ўқитиш усуллари	Маъруза, намойиш этиш, савол-жавоб, график органайзер
Ўқитиш воситалари	Лекциялар курси, компьютер технологиялари, кодоскоп
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоавий
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория, лаборатория хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	Назорат саволлари

## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолияти мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	1.1. Мавзуни номи, мақсади эълон қилинади. 1.2. Ўқув мавзу режаси билан таниширилади (1-слайд). 1.3. Экранга мавзуни тузилмавий мантиқий чизмасини чиқаради (1-илова)	Эшитадилар чизиб оладилар, ёзиб оладилар
2-босқич Асосий (60 минут)	2.1. Мавзунинг мазмунини, моҳиятини шакллантириш ва такомиллаштириш учун умумий тушунчалар беради (2-4 слайдлар). 2.2. Фаоллаштириш мақсадида талабаларни 2 гурӯхга бўлиб, топшириқлар берилади (2-илова). «Кластер» техникаси асосида амалга оширилади (3-илова). 2.3. Яқуний хулоса қилишга талабаларни йўналтиради. Жавобларни шарҳлайди, аниқлик киритади, тўғрилайди.	Ёзиб оладилар  Ёзиб оладилар  Эшитадилар, ёзиб оладилар
3-босқич Якуний (10-минут)	3.1. Мавзуни умумлаштириб хулоса қиласи, фаол қатнашган талабалар фаолиятини таҳлил қиласи. 3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради (3-илова).	Саволлар беришади


1-слайд

### Мавзу режаси


1. Электр заряди. Электр майдон
2. Электр майдон таъсирига асосланган ва амалиётда қўлланадиган техника ва технологиялар ҳақида
3. Диэлектриклар. Қутбли ва қутбсиз молекулалар
4. Диэлектрикларнинг қутбланиши
5. Сегнетоэлектриклар. Пьезоэлектрик эффекти

### Мавзунинг тузилмавий мантикий чизмаси






1-Расм. Электр майдонни күч чизиқлари ёрдамида тасвирлаш



2-Расм. Электр майдонни тасвирлари



3-Расм. Диэлектрикни күтбланиши


4-Расм. Диэлектрикнинг диэлектрик қабул қилувчанлиги билан температура ўртасидаги боғланиш

### Мустақил иш топшириқлари

1. Электр майдон таъсирига асосланган техника соҳалари ва уларнинг қўлланиши.
2. Диэлектрикларни кўп соҳада қўлланилиши, асбоблар ва қурилмада ишлатилиши.
3. Пьезоэлектрик эффектни қўлланиш соҳалари

3-илова (9.3)

Мустақил ишлаш топшириғи  
9-мавзу бүйича Кластер тузинг



4-илова (9.4)

### Назорат саволлари

1. Электр зарядларни сақланиш қонунини таърифи. Мисол келтиринг.
2. Электростатик майдон қачон вужудга келади?
3. Электр майдонлар суперпозиция принципи қандай таърифланади?
4. Оламнинг ягоналиги нимада намоён бўлади?
5. Электр майдон таъсирига асосланган техника соҳалари ва уларнинг кўлланилиши.
6. Диэлектрик гистерезиси нима?
7. Янги диэлектрик материалларнинг яратилиши нимага имкон беради?
8. Пьезоэлектрик эффекти нима?

## 10-мавзу. Электр майдонида ўтказгичлар

### 10.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-70 гача
Машғулот шакли	Тематик маъруза
Маъруза режаси:	1. Ташқи майдонда ўтказгич 2. Электростатик индукция ҳодисаси 3. Ўтказгичнинг электр сиғими 4. Конденсаторлар. Конденсаторларни улаш усули

*Ўқув машғулотининг мақсади:* ўтказгич моддаларни физик табиати, ҳарактеристикалари, амалий аҳамиятлари тўғрисида билимлар бериш. Конденсаторлар турлари, улаш схемалари, фан ва техника соҳаларида конденсаторларни қўлланилиши ҳақида билимларни шакллантириш.

<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• ўтказгич моддаларни табиати, ҳарактеристикалари, ташқи электр майдондаги ўтказгични хусусияти ҳақида тушунча бериш;</li> <li>• электростатик индукция ҳодисаси ҳақида маълумот бериш;</li> <li>• ўтказгичнинг электр сиғими, конденсаторлар ҳақида тушунча бериш;</li> <li>• мавзу саволлари бўйича изоҳлаш ва шакллантириш жараёнини ташкил қилиш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзуни мақсади, вазифалари, ўқув жараёнида тутган ўрнини ёритиб беради;</li> <li>• электр майдонда жойлашган ўтказгични хусусиятлари, эквипотенциал сирт, электростатик индукция ҳодисасини ёритиб беради;</li> <li>• электр сиғими ва унинг ўлчов бирликлари, зарядланган ўтказгични энергиясини тушунтириб беради;</li> <li>• конденсаторларни турлари, улаш усуllари ва қўлланилишини тушунтириб беради.</li> <li>•</li> </ul>

Ўқитиш усуllари	Гурухларда ишлаш, тақдимот, савол-жавоб
Ўқитиш воситалари	Лекциялар курси, кодоскоп, график органайзер
Ўқитиш шакли	фронтал, жамоавий
Ўқитиш шарт-шароитлари	техник воситалардан фойдаланишга ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория, лаборатория хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	оғзаки назорат: савол-жавоб шакли

## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолияти мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<p>1.1. Мавзу номи, мақсади, ўкув машғулоти эълон қилинади.</p> <p>1.2. Олдинги машғулот ҳақидаги натижаларини эслатади.</p> <p>1.3. Мавзу режаси билан таништирилади (1-слайд)</p>	Эшитадилар  ёзиб оладилар
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Тезкор-сўров техникасидан фойдаланиб, ўтилган мавзу эслатади ва талабалар фаоллаштирилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Электр зарядларни сақланиш қонуни қандай маънога эга?</li> <li>- Қайси майдон электростатик майдон дейилади?</li> <li>- Электр майдонлар суперпозицияси принципи қандай таърифланади?</li> <li>- Физик хусусиятлари асосида диэлектриклар қандай турларга ажратилган?</li> <li>- Диэлектрик гистерезиси нима?</li> </ul> <p>2.2. Мавзунинг мазмунини, моҳиятини шакллантириш ва такомиллаштириш учун умумий тушунча беради (1-илова).</p> <p>2.3. Фаоллаштириш мақсадида талабага савол берилади.</p> <p>1. Зарядлар мувозанатда бўлганда ўтказгич ичидаги майдоннинг кучланганлиги нимага тенг бўлади?</p> <p>2. Ўтказгичларга берилган зарядлар қандай тақсимланади?</p> <p>3. Конденсаторларни бажарадиган вазифалари асосида улар қандай бўлинадилар?</p> <p>Талабаларни 2 гурухга бўлиб, юқоридагилар асосида умумлашган эссе ёзиш учун топшириқ берилади (3-слайд)</p>	Савол-жавобга фаол қатнашадилар  Эшитадилар Ёзиб оладилар  Гурухларга бўлинадилар ва умумий хуносаларни тайёрлайдилар, тушунтириб берадилар
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Мавзуни режаси асосида хуноса қилиб, энг муҳим маълумотларга талабалар диққатини жалб қиласди.</p> <p>3.2. Гурухдаги иш жараёни баҳоланади (4-слайд).</p> <p>Муҳокамада фаол қатнашган талабаларни рағбатлантиради, баҳолайди, ёзиб олади.</p>	Тинглашади

### **Мавзуу режаси**

1. Ташқи майдонда ўтказгич
2. Электростатик индуксия ҳодисаси
3. Ўтказгичнинг электр сиғими
4. Конденсаторлар. Конденсаторларни улаш усули

### **«Тезкор-сўров» саволлари**

- Электр зарядларни сақланиш қонуни қандай маънога эга?.
- Қайси майдон электростатик майдон дейилади?
- Электр майдонлар суперпозицияси принципи қандай таърифланади?
- Физик хусусиятлари асосида диэлектриклар қандай турларга ажратилган?
- Диэлектрикни кутбланиши нима?

### **1-гурухга топшириқ**

1. Электр зарядларни ҳаракати асосида ўтказгичлар нима?
  2. Ўтказгичлар қайси хусусиятлари билан диэлектриклардан фарқ қиласидилар?
  3. Қайси мақсадда конденсаторлардан фойдаланиш мумкин?
- Жавоб батареяни электр сиғими асосида бўлиши керак.



### **2-гурухга топшириқ**

1. Қандай ҳодиса электростатик индукция дейилади?
2. Конденсаторларнинг тузилиши ва шакли нимага мўлжаллаб олинади?
3. Қайси ҳолларда конденсаторлар батареяси тузилади?

### **Гурухларда ишлашни баҳолаш**


Гурухлар	Жавобнинг тўлиқлиги (1,0)	Схемаларда берилганлиги (0,4)	Гурух иштирокчисининг фаоллиги (0,6)	Баллар	Баҳоси
1.					
2.					

1-илова (10.1)




1-Расм. Электр  
майдонидаги ўтказгич

2-Расм. Бир жинсли электр  
майдонидаги зарядланмаган  
ўтказгич



$R_2$   
3-Расм. Конденсаторларни турлари



4-Расм. Конденсаторларни улаш усули

## 10.2. Амалий машғулотни ўқитиши технологияси

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 25
Машғулот шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилған амалий машғулот
Маъruzza режаси:	1. Электр заряд. Кулон қонуни 2. Электр майдонида диэлектриклар 3. Электр майдонида ўтказгичлар
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> мавзу бўйича олинган назарий билимларни кенгайтириш ва амалий масалаларни ҳал қилишни таъминлаш.</p>	
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзу бўйича билимларни ўзлаштириш ва кенгайтиришга интилишни яратиш;</li> <li>• мавзу бўйича билимларни чуқурлаштиришга шароит яратиш;</li> <li>• мустақил ишлаш қобилиятини ўстириш;</li> <li>• мантиқий хулоса чиқаришга қўникмалар бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзу бўйича амалий билимларга эга бўлади;</li> <li>• назариядан амалиётда фойдаланиш кўникмаларга эга бўлади;</li> <li>• гуруҳ билан биргаликда ишлаш қобилиятига эга бўлади;</li> <li>• мустақил ишлаш, фикрлаш ва ўз нуқтаи назарга эга бўлади;</li> </ul>
Ўқитиши усуллари	Масалаларни ечиш усули, баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш
Ўқитиши воситалари	Лекциялар курси, услубий қўрсатма, доска, қоғозлар, компьютер технологиялари
Ўқитиши шакли	Гуруҳларда ишлаш
Ўқитиши шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория, лаборатория хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб шакли, рейтинг тизими асосида баҳолаш

## Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни		
	Ўқитувчи	Талаба	
1-босқич Кириш (10 минут)	1.1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолиятининг натижаларини айтади 1.2. Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (1-илова).	Тинглайдилар  Эшигадилар	
2-босқич Асосий (60 минут)	2.1. Талабаларни фаоллаштириш мақсадида савол-жавоб ўtkазилади (1-слайд); 2.2. Талабаларга индивидуал равишда «Берилган аниқ масалани қандай ечиш мумкин?» деган саволни «Пинборд» техникаси асосида ишлаб чиқишилари топширилади (2-илова) 2.3. Масалаларни ечиш бўйича кўрсатмалар, саволлар беради; 2.4. Гурӯх ишини фаоллигини таъминлайди ва назорат қиласи.	Фаол қатнашадилар  «Пинборд» техникаси асосида ечиш мумкин? деган саволни «Пинборд» техникаси асосида ишлаб чиқишилари топширилади (2-илова)  Талабалар масала устида ишлайдилар	
3-босқич Якуний (10-минут)	3.1. Иш яқунларини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезони асосида рағбатлантиради. 3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқлар беради	Эшитишади., аниқлайди  Ёзиг оладилар	

1-илова

### Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари

86-100 % 2 балл «аъло»

71-85 % 1,7 балл «яхши»

55-70 % 1,4 балл «қониқарли»

### Баҳолаш мезонлари

Ф.И.Ш.	Баҳо	Мезонлар			
		Билим	Фоллик	Таклифлар	Жами балл
	Баллар	0,8	0,6	0,6	2
	%	40	30	30	100


## «Тезкор-сўров» саволлари

1. Ўтказгични сирт зичлиги, ҳажм зичлиги деб нимиага айтилади?
2. Яккаланган ўтказгичнинг электр сиғими нимага боғлиқ?
3. Ўзаро электр сиғим деб нимага айтилади?
4. Конденсаторларнинг сиғимини ўзгартириш ёки уларнинг кучланишини электр тармоғидагига мослаш керак бўлган ҳолларда нима тузилади?


2-илова

### Пинборд техникаси


Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гурухлашни амалга ошириш (инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board - доска) коллектив тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.



Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарларини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий ҳужумнинг бошланишини ташкил қиласи (рағбатлантиради).



Фикрларни таклиф қиласи, мухокама қиласи, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хulosавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қофозларда ёздилашади ва доскага маҳкамлайдилар



Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

1. Хато бўлган ёки тақоррланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
2. Бахсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
3. Фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларни аниқлайдилар;
4. Шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қофоз ва рақамида) гурухларга ажратадилар;
5. Уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: коллективнинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқилади.

## 11-мавзу. Ўзгармас электр токи

### 11.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-70 гача
Машғулот шакли	Тематик маъруза
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Электр ток ҳақида маълумотлар. Токни катталиклари ва характеристикалари</li> <li>2. Ўзгармас ток занжирлари ва қонунлари</li> <li>3. Ўзгармас токни иши ва энергияси</li> <li>4. Тармоқланган электр занжирларни хисоблаш усуллари</li> <li>5. Халқ хўжалигининг ривожланишида электр энергиянинг аҳамияти</li> </ol>

**Ўқув машғулотининг мақсади:** электр тўғрисидаги таълимот, электр ток, ток ташувчилари, ўзгармас ток манбалари, электр занжир, ўзгармас ток қонунлари, ўзгармас ток энергиясидан фойдаланилиши ҳақидаги билимларни шакллантириш.


<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• электр ток, ток ташувчилари, ўзгармас ток ва унинг катталиклари, характеристикалари, ўлчов асбоблари ҳақида тушунча бериш;</li> <li>• электр занжир, электр занжир схемасини ёритиб бериш;</li> <li>• ўзгармас ток қонунлари ҳақида маълумотлар бериш;</li> <li>• электр энергияни аҳамиятини ёритиб бериш;</li> <li>• машғулот жараёнида ўзгармас ток ҳақида умумий маълумот бериш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзуни мақсади, вазифалари, ўқув жараёнида тутган ўрнини ёритиб беради;</li> <li>• ўзгармас ток, ток манбалари, катталиклари, характеристикалари, ўлчов асбобларини тушунтириб беради;</li> <li>• электр занжир, ўзгармас ток занжирлари, электр занжир схемасини тушунтириб беради;</li> <li>• ўзгармас ток қонунларини ёритиб беради;</li> <li>• халқ хўжалигининг ривожланишида электр энергиянинг аҳамиятини ёритиб беради.</li> </ul>


Ўқитиш усуллари	Ақлий хужум усули, жонлантириш саволлари
Ўқитиш воситалари	Лекциялар курси, кодоскоп, слайд, компьютер технологиялари, визуал материаллар
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоавий
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория, лаборатория хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	Назорат саволлари

## Маъруза машғулотининг технологик харитаси


Фаолият босқичлари	Фаолияти мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<p>1.1. Мавзунинг тузилма – мантиқий чизмасини экранга чиқаради ва мазкур ўқув машғулотининг ўрнини аниқлайди (1-илова).</p> <p>1.2. Олдинги машғулот ҳақидаги натижаларини эслатади.</p> <p>1.3. Машғулотнинг номини, ўтказиш жараёнини, режалаштирилган мақсад ва натижаларни эълон қиласди.</p>	Тинглайдилар  Саволларга жавоб берадилар
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Мавзу режаси бўйича тайёрланган визуал материаллар асосида маъruzани ўқиди (2-илова).</p> <p>2.2. Ҳар бир савол ниҳоясини умумлаштириб хulosалайди. Мавзу бўйича алоҳида аҳамиятли қисмларни ёзиб олишни тавсия этади.</p> <p>2.3. «Ақлий ҳужум» техникасидан фойдаланилган ҳолда (3-илова), талабаларга қуидаги саволга жавоб беришни таклиф қиласди: «Электр токи пайдо бўлиши ва доимо пайдо бўлиб туриши учун қандай шартлар бажарилиши керак?».</p> <p>2.4. «Аҳлий ҳужум» тугагач, ҳамма жавобларни мезонлар бўйича бирлаштириб, жадвални тузишни таклиф этади.</p> <p>2.5. Якуний хulosса қилишга талабаларни йўналтиради. Жавобларни шарҳлайди, аниқлик киритади, тўғрилайди.</p>	Эшитадилар, қисқача тарзда ёзиб оладилар  саволларга жавоб берадилар  мезонларни аниқлайдилар, жавобларни мезонлар бўйича бирлаштирадилар ва тушунарсиз жойларни сўрайдилар, эшитадилар
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Талабаларнинг жавобларига баҳо беради.</p> <p>3.2. Мавзу бўйича умумий хulosса беради ва асосий жиҳатларда эътиборни кучайтиради.</p>	Вазифани бажарадилар

## Мавзунинг тузилмавий мантикий чизмаси







1-Расм. Ўлчов асбобларнинг схемадаги шартли белгилари




2-Расм. Ўтказгичнинг вольт-ампер характеристикаси.



3-расм. Электр занжир схемаси



4-Расм. Электр занжир тугуни



5-Расм. Тармоқланган электр занжир

**«Ақлий хужум» усулинин құллаганда қуидаги эслатмага риоя  
қилинг.**

Хеч қандай ўзаро баҳолаш ва таниқдга йўл қўйилмайди!  
Таклиф этилаётган фикрларни баҳолашга шошилма, агарда улар  
ғаройиб бўлса ҳам – барча нарса мумкин.  
Тасаввурларинга эрк бер!

- ўртоқларнинг фикрини хурмат қил;
- қанча фикр кўп бўлса шунча яхши;
- агар фикрлар такрорланса ажабланма ва жаҳлингни чиқазма;
- бошқалар фикрини танқид қилма;
- фикрларни кўплиги янги фикрни туғилишига сабаб бўлади;
- фикрларингда бир оз шубҳа бўлса ҳам, уларни айтишга ҳаракат қил

## **11.2. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси**

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 25
Машғулот шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий машғулот
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўзгармас электр токи ва токни характерловчи асосий катталиклар</li> <li>2. Электр ток қонунлари</li> <li>3. Электр токни бажарган иши ва қуввати</li> </ol>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> мавзу бўйича олинган назарий билимларни кенгайтириш ва амалий масалаларни ҳал қилишни таъминлаш.	
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзу бўйича билимларни ўзлаштириш ва кенгайтиришга мотивация яратиш;</li> <li>• мавзу бўйича билимларни чуқурлаштиришга шароит яратиш;</li> <li>• мустақил ишлаш қобилиятини ўстириш;</li> <li>• мантиқий холоса чиқаришга кўнікмалар бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзу бўйича амалий билимларга эга бўлади;</li> <li>• назариядан амалиётда фойдаланиш кўнікмаларга эга бўлади;</li> <li>• гуруҳ билан биргаликда ишлаш қобилиятига эга бўлади;</li> <li>• мустақил ишлаш, фикрлаш ва ўз нуқтаи назарга эга бўлади.</li> </ul>
Ўқитиш усуллари	Масалаларни ечиш усули, баҳс-мунозара, кичик гурухларда ишлаш
Ўқитиш воситалари	Лекциялар курси, услубий қўрсатма, доска, қоғозлар, компьютер технологиялари
Ўқитиш шакли	Гурухларда ишлаш

Үқитиши шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория, лаборатория хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб шакли, рейтинг тизими асосида баҳолаш

### **Амалий машғулотнинг технологик харитаси**

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	1.1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўкув фаолиятининг натижаларини айтади 1.2. Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (1-илова). 1.3. Таълим жараёни кичик гурухларда ишлаш орқали амалга оширилишни эълон қиласи (2-илова).	Тинглайдилар
2-босқич Асосий (60 минут)	2.1. Талабаларни фаоллаштириш мақсадида савол-жавоб ўтказилади (2-слайд); 2.2. Талабаларга индивидуал равишда «Масалаларни ечишда қандай услубий кўрсатмаларни билиш лозим?» деган саволни «ФСМУ» технологияси асосида жавоб беришлари топширилади (3-илова) 2.3. Масалаларни ечиш бўйича кўрсатмалар беради; 2.4. Гурух ишини фаоллигини таъминлайди ва назорат қиласи.	Фаол қатнашадилар  «ФСМУ» технологияси асосида тайёр ишларни топширадилар Талабалар масала устида ишлайдилар
3-босқич Якуний (10-минут)	3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезони асосида рафбатлантиради. 3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқлар беради	Эшитишиади., аниқлайди  Ёзиг оладилар

1-слайд

#### **Фаоллаштириш учун саволлар**

1. Масалани ечимини бошлишдан олдин қайси шартларни назарга олиш керак?
2. Масални ечиши ўзгармас токни қайси қонунига асосланган?
3. Электр схемадаги ҳар бир элемент қандай вазифани бажаради?
4. Ўзгармас ток занжири қандай қисмлардан ташкил топган?

### **Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари**

86-100 % 2 балл «аъло»

71-85 % 1,7 балл «яхши»

55-70 % 1,4 балл «қониқарли»

#### **Баҳолаш мезонлари**

<b>Ф.И.Ш.</b>	<b>Баҳо</b>	<b>Мезонлар</b>			
		<b>Билим</b>	<b>Фоллик</b>	<b>Таклифлар</b>	<b>Жами балл</b>
	<b>Баллар</b>	0,8	0,6	0,6	2
	<b>%</b>	40	30	30	100

#### **Кичик гуруҳларда ишлаш қоидаси**

1. Талабалар ишни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўймоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдида қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тайзиққа учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

#### **Гуруҳларда ишлашни баҳолаш**

<b>Гуруҳлар</b>	<b>Жавобнинг тўлиқлиги (1,0)</b>	<b>Схемаларда берилганлиги (0,4)</b>	<b>Гуруҳ иштирокчисининг фаоллиги (0,6)</b>	<b>Баллар</b>	<b>Баҳоси</b>
1.					
2.					

### **ФСМУ технологияси**

- (Ф) - фикрингизни баён этинг
- (С) - фикрингизни баёнига бирор сабаб кўрсатинг
- (М) - кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг
- (У) - фикрингизни умумлаштиринг

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда бахслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қай даражада эгалланганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни бахслашиш маданиятига ўргатади.

«Масалаларни ечишда қандай услубий кўрсатмаларни билиш лозим?»

F	фикрингизни баён этинг
S	фикрингизни баёнига бирор сабаб кўрсатинг
M	кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг
U	фикрингизни умумлаштиринг

## **12-мавзу. Ўтказгичлар. Диэлектриклар. Яримўтказгичлар**

### **12.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси**

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-70 гача
Машғулот шакли	Тематик маъруза
Маъруза режаси:	1. Модданинг зонавий тузилиши 2. Металл ўтказгичлар. Суюқ ўтказгичлар 3. Диэлектриклар. Электр изоляцион материаллар. 4. Яримўтказгичлар. Яримўтказгичли қурилмалар ва асбоблар 5. Электроника, радиотехника ва микроэлектрониканинг ривожланиши

*Ўқув машғулотининг мақсади:* техникада, сервис соҳасида катта аҳамиятга эга бўлган ўтказгич, диэлектрик ва яримўтказгичлар ҳақидаги билимларни шакллантириш.

<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• зоналар назарияси асосида моддаларнинг тузилишига тушунча бериш;</li> <li>• ўтказгичлар турлари, ўтказувчанлиги, амалиётда қўлланиладиган ўтказгичлар ҳақида маълумот бериш;</li> <li>• яримўтказгичлар, уларнинг ўтказувчанлиги, турлари ва амалий аҳамиятини ёритиб бериш;</li> <li>• изоляцион материаллар, уларни турлари, характеристикалари ва амалий аҳамиятига тушунча бериш;</li> <li>• техника соҳаларини ривожланишини ёритиб бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• моддаларни тузилишини зоналар назариясини асосий тушунчаларни тавсиф бера олади;</li> <li>• ўтказгичлар ва уларнинг хусусиятлари, характеристикалари ва амалий аҳамияти ҳақида маълумотлар беради;</li> <li>• яримўтказгичлар, диэлектрик моддалар, уларни турлари, характеристикаларини ёритиб беради;</li> <li>• сервис соҳасида қўлланиладиган ўтказгичлар, изоляцион материаллар ва асбоб-ускуналар, қурилмалар ҳақида гапириб беради.</li> </ul>
---	---

Ўқитиш усуллари	Маъруза, жуфтликда ишлаш
Ўқитиш воситалари	Лекциялар курси, кодоскоп, доска
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоавий
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория, лаборатория хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб шакли, назорат саволлари

## **Маъруза машғулотининг технологик харитаси**

Фаолият босқичлари	Фаолияти мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<p>1.1. Мавзунинг номини айтади. Экранга курснинг тузилмавий мантиқий чизмасини чиқаради (1-илова) ва мавзуга қисқача таъриф беради.</p> <p>1.2. Талабаларни билимларини жонлантириш учун саволлар беради (2-илова) ва ушбу саволларга жуфтликда жавоб бериш шартлигини таъкидлайди. «Жуфтликда ишлаш» қоидалари билан таништиради (3-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглашади, ўйлашади, муҳокама қилишади ва саволларга жавоб беришади</p>
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Экранга жавдални чиқаради ва маъруза тинглаш жараёнида уни тўлдиришини сўрайди (4-илова).</p> <p>2.2. Power point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларни тушунтириб беради (5-илова).</p> <p>2.3. Маъруза жараёнида фокусловчи назорат саволлар беради, жадвалга ахборотларни киритиш лозимлигини эслатади.</p>	<p>Томоша қилишади, ёзишади</p> <p>Тинглашади, ёзишади</p> <p>Саволларга жавоб берашидаи, жадвални тўлдиришади</p>
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Мавзу бўйича якунловчи хulosा қиласи, иш натижаларини изоҳлаб беради.</p> <p>3.2. Эссе ёзиш қоидаларини тушунтиради (6-илова). Мустақил ишлаш учун вазифа беради: эссе ёзиш (сизнинг фикрингизча электроника, микроэлектроника, радиотехника сервис, хизмат кўрсатиш соҳаларни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкинми?)</p>	<p>Саволлар берадилар</p> <p>Мустақил ишлаш учун эссе мавзусини ёзиб оладилар</p>

### Мавзунинг тузилмавий мантикий чизмаси



2-илова (12.2)

### **Талабаларни билимларини жонлантириш учун саволлар**

1. Электр ўтказувчи моддалар солиширима қаршилигининг қиймати асосида ўтказгичлар, диэлектриклар, яримўтказгичларга қандай таъриф бериш мумкин?
2. Электр сими қандай узатиш вазифасини бажаради?
3. Қайси мақсадда электр машиналар, трансформаторлар, ўлчаш асбобларда электр симдан фойдаланиш мумкин?
4. Амалиётда товар сифатида кўлланиладиган изоляцион материалларни классификацияси нимага асосланган?
5. Электрон ва ион асбобларга нисбатан яримўтказгичли асбобларнинг афзалликлари нимадан иборат?
6. Микроэлектроника қайси соҳаларда кенг кўлланилмоқда?

3-илова (12.3)

### **«Ўйланг – жуфтликда ишланг – фикр алмашинг» қоидалари**


Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

### **«Ўйланг – жуфтликда ишланг – фикр алмашинг» техникасидан фойдаланган ҳолда гурухларда ишни ташкил этиш жараёнларининг тузилиши**


1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар ёзиш тартибида.
2. Талабалар жуфтликларга бўлинниб, бир-бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишига ҳаракат қиласидилар.
3. Ўқитувчи бир неча жуфтликларга ўттиз секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришини таклиф қиласиди.

4-илова (12.4)


Микроэлектроника нима ва уни қандай йўналишларга ажратиш мумкин?	Кабел нима ва у қандай турларга бўлинади?	Техник электроника қандай йўналишларга бўлинади?



1-Расм. Қаттиқ жисмларнинг зонавий назарияси




2-Расм. n – типли (а) ва p – типли (б) яримүтказгичлар



A – Anod; K – Katod.

3-расм. Яримүтказгичли диодни уланиш схемаси



4-Расм. р-п-р типли транзисторнинг тузилиши (а), унинг уланиш схемаси (б), шартли белгиси (в)

6-илова (12.6)

## ЭССЕ

Эссе – бу муаллифнинг алоҳида индивидуал позициясига эга эркин шаклдаги баёни бўлиб, қандайдир буюм ёки қандайдир сабаб бўйича умумий ёки олдиндан билдирилган фикр-мулоҳазалардан иборат бўлади.

Далилланган эссе – бу қўйилган саволга далилланган жавоб мавжуд бўлган ёзма ишдир. Муаллиф муайян позицияга эга ва уни ҳимоя қиласи, ўз позициясини кувватлаш учун бир қатор далилларни тақдим этади.

Мақсад – муаллиф ўзи қўллайдиган нуқтаи назарга бошқаларни ҳам ишонтиришни ҳоҳлайди.

Агар сиз ўқувчиларни фикран тасаввур қила олсангиз ва эссени ёзиш жараёнида улар билан мулоқот юритма олсангиз, унда далилланган эссени ёзиш осонлашади.

**Далилланган эссеңинг тузилиши:**

- Масала юзасидан талабанинг нуқтаи назарини билдириш
- Айтилган позициянинг далилланиши – талабанинг шу позицияни қабул қилишга ишонтиради
- Хулоса - резюме

**Далилланган эссеңи баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари:**

- мазмуннинг мақсадга мувофиқлиги;
- муаммони кўриш, унга муносабат, ўзининг нутқай назари, далилларнинг ишончлиги;
- услугуб: баённинг аниқлиги, очик-равшанлиги;
- ёзиш қоидаларига риоя қилиш.

## **13-мавзу. Металларнинг классик назарияси. Вакуумда электр токи. Термоэлектрик ҳодисалар**

### **13.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси**

Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-70 гача
Машғулот шакли	Тематик маъруза
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Металларда ток ташувчилар. Металл ўтказувчанликнинг электрон назарияси</li> <li>2. Термоэлектрон эмиссия ҳодисаси</li> <li>3. Электрон лампалар, яримўтказгичли асбоблар ва уларни қўлланилиши</li> <li>4. Контакт потенциаллар айримаси</li> <li>5. Термоэлектр ҳодисалар ва уларнинг қўлланилиши</li> </ol>

*Ўқув машғулотининг мақсади:* металларнинг ўтказувчанлигини амалий аҳамияти, термоэлектрон эмиссия ва термоэлектрик ҳодисаларнинг қўлланиши ҳақидаги билимларни шакллантириш.

<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• металларда ток ташувчилари, металларнинг ўтказувчанлиги ҳақида маълумотлар бериш;</li> <li>• электронларни чиқиш иши, электронлар эмиссиясини усулларини ёритиб бериш;</li> <li>• вакуумда электр токини табиати, моҳияти ва амалиётда қўлланишини ёритиб бериш;</li> <li>• термоэлектрик ҳодисалар, уларнинг турлари ва амалий аҳамияти ҳақида маълумотлар бериш.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• металларда эркин электронларни ҳаракатлари, панжара ионлари билан тўқнашишлари, ўтказувчанлигини тавсиф бера оладилар;</li> <li>• электронларни металл сиртидан чиқиш иши, термоэлектрон эмиссияси ҳақида маълумотлар беради;</li> <li>• электрон лампалар, яримўтказгичли асбобларни ишлаш принципи, қўлланишини ёритиб беради;</li> <li>• термоэлектрик ҳодисаларни табиати, моҳияти, қўлланишини гапириб берадилар.</li> </ul>
---	--

Ўқитиш усуллари	Маъруза, тезкор-сўров, «Дельфи» техникаси
Ўқитиш воситалари	Лекциялар курси, кодоскоп, компьютер технологиялари
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоавий
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория, лаборатория хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб шакли, назорат саволлари

## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолияти мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<p>1.1. Мавзуу номи, мақсади, ўкув машғулотининг натижалари эълон қилинади. Ўтилаётган мавзуу кўргазмали маъруза тарзида ташкил этилиши ҳақида эълон қиласи.</p> <p>1.2. маъруза режаси билан таништиради (1-слайд).</p> <p>Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (2-слайд)</p>	<p>Маъруза машғулотининг мавзусини ўрганиб чиқадилар</p> <p>Танишиб чиқадилар</p>
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Тезкор-сўров техникасидан фойдаланиб, ўтилган мавзуу эслатилади ва талабалар фаоллаштирилади (3-слайд):</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ўтказгич, электр ўтказгич деганда нимани тушунасиз?</li> <li>• суюқ ўтказгичларда рўй берадиган электролиз жараёнини қайси қонунлар ўрганадилар?</li> <li>• тузилиши, физик табиати, қўлланиш соҳалари асосида изоляцион материаллар қандай бўладилар ва улардан қайси мақсадда фойдаланиш мумкин?</li> <li>• яrimўтказгич асборларни афзалликлари, ихчамликлари асосида қайси соҳаларда қўлланиладилар?</li> </ul> <p>2.2. Слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзуу бўйича асосий назарий жиҳатларни тушунтириб беради (1-илова).</p> <p>2.3. Маъруза жараёнида фокусловчи назорат саволлар беради.</p>	<p>Савол-ажвобга фаол қатнашадилар</p> <p>Тинглашади, ёзишади</p> <p>Саволларга жавоб берадилар</p>
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Мавзуу бўйича якунловчи хулоса қиласи, иш натижаларини изоҳлаб беради, фаол қатнашган талабалар фаолиятини таҳлил қиласи</p> <p>3.2. Мустақил ишлаш учун вазифа беради: ўтилган мавзуу бўйича БББ жадвалини тўлдириб келиш (4-слайд)</p>	<p>Саволлар берадилар</p> <p>Эшитадилар</p> <p>Ёзиб оладилар</p>

### **Маъруза режаси**

1. Металларда ток ташувчилар. Металл ўтказувчанликнинг электрон назарияси
2. Термоэлектрон эмиссия ҳодисаси
3. Электрон лампалар, яримўтказгичли асбоблар ва уларни қўлланилиши
4. Контакт потенциаллар айримаси
5. Термоэлектр ҳодисалар ва уларнинг қўлланилиши

### **Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари**

86-100 % 2 балл «аъло»

71-85 % 1,7 балл «яхши»


55-70 % 1,4 балл «қониқарли»

#### **Баҳолаш мезонлари**


Ф.И.Ш.	Баҳо	Мезонлар			
		Билим	Фоллик	Таклифлар	Жами балл
	Баллар	0,8	0,6	0,6	2
	%	40	30	30	100

### **Тезкор-сўров**


1. Ўтказгич, электр ўтказгич деганда нимани тушунасиз?
2. Суюқ ўтказгичларда рўй берадиган электролиз жараёнини қайси қонунлар ўрганадилар?
3. Тузилиши, физик табиати, қўлланиш соҳалари асосида изоляцион материаллар қандай бўладилар ва улардан қайси мақсадда фойдаланиш мумкин?
4. Яримўтказгич асбобларни афзаликлари, ихчамликлари асосида қайси соҳаларда қўлланиладилар?




1-Расм. Термоэлектрон эмиссия ҳодисасини тасвирланган схемаси




2-Расм. Вольт-ампер характеристика (а), түйиниш токи билан температура орасидаги боғланиш (б)




3-Расм. Электрон лампалар



4-Расм. Контакт потенциал айирмасини табиати



5-Расм. Темроэлектрик ҳодисалар.



### Дельфи техникаси Фикрларнинг баҳолар йигиндиси жавдали

Гурух	Муқобил ғоялар								
	1-гурух			2-гурух			3-гурух		
	Д	М	К	Д	М	К	Д	М	К
Кўпайтма йигиндиси									

Д – даражали баҳо

М – муқобил баҳо

К – кўпайтма

1 – энг юқори балл

10 – энг паст балл

## 14-мавзу. Электромагнетизм. Моддалардаги магнит майдони

<b>14.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси</b>	
Машғулот вақти – 2 соат	Талабалар сони: 40-70 гача
Машғулот шакли	Тематик маъруза
Маъруза режаси:	<p>1. Магнит майдон ва унинг ҳарактеристикалари. Токларнинг ўзаро магнит таъсири</p> <p>2. Био-Савар-Лаплас қонуни</p> <p>3. Ампер қонуни. Лоренц кучи</p> <p>4. Моддалардаги магнит майдони. Моддаларнинг магнитланиши</p> <p>5. Токли ўтказгични магнит майдонда бажарилган иши</p>
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Магнит майдони, магнит ҳодисалари, электромагнит ҳодисалар, моддаларнинг магнит хусусиятлари ҳақидаги билимларни шакллантириш.</p>	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• магнит майдон ва унинг ҳарактеристикалари. Олимларни тажрибаларига тушунча бериш;</li> <li>• магнетизм, электромагнетизм ва унинг қонунлари ҳақида маълумотлар бериш;</li> <li>• ташқи магнит майдонни токли ўтказгичга, ҳаракатланаётган заррачага таъсири ва қонунларини ёритиб бериш;</li> <li>• моддаларнинг магнит магнетиклар, ферромагнит материалларни амалий аҳамияти ҳақида маълумотлар бериш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• магнит майдонни вужудга келиши, ҳарактеристикалари, уларга тегишли тажрибаларни тавсиф бера оладилар;</li> <li>• магнетизм, электромагнетизм, электромагнит ҳодисалар, токли ўтказгичларни ўзаро магнит таъсиrlари ҳақида маълумотлар берадилар;</li> <li>• ташқи магнит майдонни таъсирини ўрганадиган қонунларини ёритиб берадилар;</li> <li>• моддаларнинг магнит хусусиятлари, магнетиклар, уларни ташкил этадиган жисмлар, ферромагнит материаллар ҳақида гапириб берадилар.</li> </ul>
Ўқитиш усуллари	Кўргазмали маъруза, «Дельфи» техникаси
Ўқитиш воситалари	Лекциялар курси, кодоскоп, компьютер технологиялари
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоавий
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалардан фойдаланишга ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория, лаборатория хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб шакли, назорат саволлари

## Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолияти мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич Кириш (10 минут)	<p>1.1. Мавзуу номи, мақсади, ўкув машғулотининг натижалари эълон қилинади. Ўтилаётган мавзуу кўргазмали маъруза тарзида ташкил этилиши ҳақида эълон қиласи.</p> <p>1.2. Маъруза режаси билан таништиради (1-слайд).</p>	Маъруза машғулотининг мавзусини ўрганиб чиқадилар Танишиб чиқадилар
2-босқич Асосий (60 минут)	<p>2.1. Тезкор-сўров техникасидан фойдаланиб, ўтилган мавзуу эслатилади ва талабалар фаоллаштирилади (2-слайд):</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• металларнинг табиатини, хусусиятларни, ўтказувчанлигини ўрганишда классик физикада қандай ишлар олиб орган?</li> <li>• электрон эмиссияси турлари, термоэлектрон эмиссияси ҳодисасидан қайси мақсадда фойдаланиш мумкин?</li> <li>• электрон асбоблар деб нимага айтилади?</li> <li>• нимага ҳозирги кунда яримўтказгичли асбоблар электрон ва ион асбобларга нисбатан кенг қўлланиладилар?</li> <li>• микроэлектроника, интеграл схемалар деб нимага айтилади? Уларни қўлланиш соҳалари.</li> </ul> <p>2.2. Слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзуу бўйича асосий назарий жиҳатларни тушунтириб беради (1-илова).</p> <p>2.3. Маъруза жараёнида фокусловчи назорат саволлар беради.</p>	<p>Савол-жавобга фаол қатнашадилар</p> <p>Тинглашади, ёзишади</p> <p>Саволларга жавоб берадилар</p>
3-босқич Якуний (10-минут)	<p>3.1. Мавзуу бўйича якунловчи хулоса қиласи, иш натижаларини изоҳлаб беради, фаол қатнашган талабалар фаолиятини таҳлил қиласи</p> <p>3.2. Мустақил ишлаш учун вазифа беради: ўтилган мавзуу бўйича Кластер тузиш (2-илова)</p>	<p>Саволлар берадилар Эшитадилар</p> <p>Ёзиб оладилар</p>

## Маъруза режаси

1. Магнит майдон ва унинг ҳарактеристикалари. Токларнинг ўзаро магнит таъсири
2. Био-Савар-Лаплас қонуни
3. Ампер қонуни. Лоренц кучи
4. Моддалардаги магнит майдони. Моддаларнинг магнитланиши
5. Токли ўтказгични магнит майдонда бажарилган иши

## Тезкор-сўров

1. Металларнинг табиатини, хусусиятларни, ўтказувчанлигини ўрганишда классик физикада қандай ишлар олиб орган?
2. Электрон эмиссияси турлари, термоэлектрон эмиссияси ҳодисасидан қайси мақсадда фойдаланиш мумкин?
3. Электрон асбоблар деб нимага айтилади?
4. Нимага ҳозирги кунда ярим ўтказгичли асбоблар электрон ва ион асбобларга нисбатан кенг қўлланиладилар?
5. Микроэлектроника, интеграл схемалар деб нимага айтилади?  
Уларни қўлланиш соҳалари.

## 1-гурухга топширик

### Эксперт варағи №1


1. Токли ўтказгич ва уни қуршаб олган магнит майдони қайси ҳодисанинг ажратиб бўлмайдиган томонлари?
2. Ферромагнетиклар қандай тузилган? Гистерезис сиртмоғи нима?
3. Ампер қонуни нимани ўрганади? Чап қўл қоидаси нима?

## 2-гурухга топшириқ

### Эксперт варағи №2

